Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 153 (8143). ● 12 август, 1983 йил ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин

КОММУНИСТИК РАЙОН МАККАЖЎХОРИКОР ЛАРИ МУРОЖААТИГА ЖАВОБАН

АҲДИ ЮКСАК

УФҚҚА туташиб кетган ям-яшил пайкаллар узра қуёшнинг заррин нури жимирлайди. Одам бўйидан баланд маккажўхори савлат тўкиб турибди. Ҳар бир тупида 2—3 тадан бўлиқ сўта бор. Бригадир далаларни айланаркан, нариги картада экинга сув тараётган Юсуфжонга кўзи тушди.

— Ҳорманг,— деди у жўякни кетмони билан тўғрилаётган сувчига яқинлашаркан.

— Саломат бўлинг, ўзингиз ҳорманг,— миришкор белбоғи билан юзидаги резареза терни артаркан, жилмайиб деди, сув беришни бошлаб юбордик.

— Балли, темирни қизиғида бос дейдилар. Сизлар суғоришни вақтида ўтказсангиз ҳосилимиз мўл бўлиши шак-шубҳасиз.

Ҳа, Янгийўл районидаги Назарали Ниёзов номли колхознинг Яҳё Мамадиёров бошлиқ маккажўхорикорлик бригадаси аъзолари экин парваришини тез ва соз ўтказишаяпти. Коллектив аъзолари бу йил 80 гектар ерда деҳқончилик қилишаётир. Улар Коммунистик район маккажўхорикорларининг ташаббусига қўшилиб, ўз имкониятларини чамалаб кўрган ҳолда ҳар гектар ердан 100 центнердан дон олишга аҳд қилишди.

Шу кунларда бригада меҳнаткашлари юксак аҳдга яраша ҳосил етиштириш иштиёқида уюшқоқлик билан ишламоқдалар.

Ҳосилнинг баравж ривожланишига Қодирали Шокиров, Юсуф Жўраев, Мирзакарим Ҳожиев каби колхозчилар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишяпти.

Шунингдек, коллектив меҳнаткашлари ўрим-йиғимни ипатоводиклар методи асосида ташкил этиб, узоғи билан 10—15 иш кунида тугаллашни мақсад қилиб қўйишган.

Х. МИРЗАЕВ,
Янгийўл район.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

- Пахта йиғим-теримига ҳозирдан бошлаб пухта тайёрланиш керак.
- Фурсат ғанимат. Ўзаро социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарайлик.
- Ҳар бир район, ҳар бир колхоз, совхозда зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши айни кунларда амалга ошириладиган ишларга боғлиқ эканлигини унутманг.

ҲАМ ПАХТА, ҲАМ КАНОП

ҒАЛАБА районидаги «Ленинград» колхозининг Ваҳоб Ўскенбоев бошчилик қилаётган бригадаси деҳқонлари йилдан-йилга «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштириб келмоқдалар. Ўтган йили ҳар гектар ердан 52,9 центнердан пахта олган саршунослар ўн биринчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида ҳосилдорликни 55 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

— 103 гектар майдондаги пахтамиздан ташқари 45 гектар ерда каноп ҳам етиштирдик,— дейди бригада бошлиғи В. Ўскенбоев.— Ҳадемай ўримга киришамиз. Мақсадимиз ҳар гектар ердан 230 центнердан каноп пояси йиғиштириб олиш.

Бригадада ғўза парвариши қизғин. Турди Қолдибоева, Солибой Рафиқов, Моҳира Қолдибоева сингари колхозчилар, айниқса, ғайрат кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Механизатор Ҳайитбой Давронов экин қатор ораларига ўз вақтида ва сифатли ишлов бераётир. У бу йил асосий ҳосилни ўзининг «занғори кема»си бункеридан тўкиш нияти.

Ҳозир бригада аъзолари ғанимат дамлардан унумли фойдаланишяпти. Айни кунларда ҳар туп ғўзада 10—12 тадан бўлиқ кўсак бор.

З. ИСРОИЛОВ.



Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхози пахтакорлари мўл, сифатли пахта етиштириш учун ғўза парваришини қизғин давом эттирмоқдалар. Суғориш, культивация ишлари бир-бирига боғлаб ўтказилмоқда. Ҳозир далада бўлган кишининг кўзи қувнайди. Ғўза тупларининг ривожи яхши. Кун сайин кўсаклар сони кўпаймоқда.

Суратда: колхоз раиси Жўра Очилов ўз шогирди — фарзанди эллиқцентнерчи Эркин Очилов бошлиқ бригада даласида. Ота-бола пахтакорлар август ойининг қолган кунларида ҳосилга ҳосил қўшиш учун қандай тадбирларни амалга ошириш зарурлиги ҳақида маслаҳатлашмоқдалар.

В. Портнов фотоси.



СЎНГГИ СОАТДА

ГАВАНА

Кубанинг Лас-Тунас, Гранма ва Пинар-Дель-Рио вилоятлари шакарқамишни йиғиштириб олиш якунлари юзасидан социалистик мусобақада ғолиб чиқдилар. Улар меҳнатда маблағ, ёқилғи ҳамда материалларни тежаш ҳаракатида энг юксак натижаларга эришдилар.

ГААГА

Голландияда ишсизлик мамлакатнинг бутун тарихида ҳозиргидек рекордли даражага кўтарилмаган эди. Мамлакат социал министрлигининг хабар беришича, ҳозирги вақтда «ортиқча кишилар» сони 810.400 нафарга етган.

Марказий планлаштириш бюроси икки ой илгаригина ишсизлар сони йил охиридагина 800 минг кишидан ортиқ бўлади, деб башорат қилган эди. Аммо 14 миллион аҳолиси бўлган мамлакатда ишсизлар сони шу қадар тез кўпайиб бормоқдаки, йил охиригача уларнинг миқдори бир миллион кишига етади.

САНО

Бу ерда Ясир Арафат раислигида Фаластин революцияси олий ҳарбий кенгашининг мажлиси бўлди. Мажлис қатнашчилари Тель-Авивнинг Ливандаги агрессияси давом этаётганлиги ва исроиллик босқинчилар босиб олинган араб территорияларида террор ва репрессия кампаниясини бошлаб юборганлиги муносабати билан региондаги аҳволни муҳокама қилдилар.

ОТТАВА

Канада территориясида Американинг қанотли ракеталарини синаб кўриш планлаштирилмоқда. Канаданинг Квебек вилоятидаги иккита энг йирик касаба союз ташкилоти — Квебек ўқитувчилар федерацияси ва миллий касаба союзлар конфедерацияси қанотли ракеталарнинг синаб кўрилишига қарши кескин норозилик билдирди.

ТОКИО

Ҳукумат ўзининг молия сиёсатидаги чалкашликларни аҳолининг кенг табақалари ҳисобига бартараф қилиш учун интилмоқда. Япония давлат хизматчиларининг биргаликда кураш олиб бориш комитетининг бу ерда ўтказилган мажлиси қатнашчилари ҳукуматнинг ана шу йўлга қарши курашда кучғайратни бирлаштиришга чақирдилар. Улар ҳукмрон либерал демократик партия ишлаб чиққан «Маъмурий ислоҳот» планини қоралади-лар.

ЛУАНДА

Ангола пойтахтида Жанубий Африка республикаси ва Намибия хотин-қизларининг кураши билан халқаро бирдамлик кунига бағишланган оммавий намойиш «йўқолсин ирқчилик!», «Африка қитъасига тинчлик!» шиорлари остида ўтди. Бу намойишда Ангола хотин-қизлари ташкилотининг активлари, Жанубий Африка миллий конгресси ва Жанубий-Ғарбий Африка халқ ташкилоти хотин-қизлар уюшмаларининг, жамоатчилик кенг доираларининг вакиллари қатнашдилар.

(ТАСС, 11 август).

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

ТОШКЕНТ область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан райондар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1983 йил 1 августгача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди.

Бўстонлиқ районига (район партия комитетининг секретари Хайдуров, район ижроия комитетининг раиси Айдарқулов, район комсомол комитетининг секретари Оқилов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Эшматов, район агросаноат бирлашмаси Советининг раиси Саидкаримов, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича бош давлат инспектори Жўлонов ўртоқлар). Бу районда давлатга барча турдаги сабзавот маҳсулотлари сотиш йиллик плани 22,3 процент, картошка сотиш 37,1 процент, хўл мева сотиш 60,5 процент бажарилган. Июль ойининг иккинчи ярмида сабзавот тайёрлашда 9,2 процент, картошка тайёрлашда 33,8 процент, хўл мева тайёрлашда 32,4 процент ўсишга эришилган.

Байроқ Бўка районидан олиб берилади.

Оржоникидзе районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхозига (директори Қаландаров, партия комитетининг секретари Саидаҳмедов, касаба союз комитетининг раиси Бойжонов, комсомол комитетининг секретари Обидов, бош агрономи Тўхтаназаров ўртоқлар). Бу совхозда давлатга барча турдаги сабзавот маҳсулотлари сотиш йиллик плани 35,9 процент, картошка сотиш 200 процент, хўл мева сотиш 21,7 процент бажарилган. Июль ойининг иккинчи ярмида сабзавот тайёрлашда 10,7 процент, картошка тайёрлашда 75 процент, хўл мева тайёрлашда 6,2 процент ўсишга эришилган.

Байроқ Тошкент районидаги «Ленинград» совхозидан олиб берилади.

Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхозига (раиси Акбаров, партия комитетининг секретари Усмонов касаба союз комитетининг раиси Усмонов, комсомол комитетининг секретари Зуфаров, бош агрономи Толипов ўртоқлар). Бу колхозда давлатга барча турдаги сабзавот маҳсулотлари сотиш йиллик плани 80,8 процент, картошка сотиш 123,8 процент, хўл мева сотиш 91,7 процент бажарилган. Июль ойининг иккинчи ярмида сабзавот тайёрлашда 4,6 процент, картошка тайёрлашда 42,6 процент, мева тайёрлашда 34,6 процент ўсишга эришилган.

Байроқ Калинин районидаги «Москва» колхозидан олиб берилади.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Бўстонлиқ районига, Оржоникидзе районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхозига ҳамда Тошкент районидаги К Маркс номли колхозга биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

БАРАКА—ҲАРАКАТДА

УМРБОЙ ака уйдан чиқиб бироз юргач, эрталабки салқинда эти увишаётгандек бўлди. Паркент тоғлари томон кўз ташлаб ҳаёлидан ўтказди: «Ҳа, чилла чиқиб, тонг шабадаси этни жунжитадиган бўлиб қолибди. Бизнинг ёқларда баҳор кеч бошланиб, куз эрта тушади. Пахтамиз бошқа зоналарга нисбатан 10—15 кун кеч пишади. Шуниси бўлмаганда биз ҳам эллиқцентнерчилардан қолишмасдик».

Бригадирнинг куюнганича бор. К. Маркс номли колхоз Коммунистик районининг чекка шимолий зонасига жойлашган. Умрбой Алимбоев бошлиқ бригада пахтазорлари шундоққина тоғ ёнбағрида. Кўклам ва ёз ойларининг бошида тез-тез жала, дўл ёғиб туради. Табиат коллективнинг 50 центнерлик маррани кўзлаб тузган режалари билан ҳисоблашиб ўтирмай, ҳаммаёқни пайҳон қилиб кетаверади.

Бу йил-чи? Областимизнинг бирор районида деярли дўл ёққани йўқ. Лекин бу бригада территориясида ёғди. Ёғдигина эмас, 83 гектар пахта майдонининг 45 гектаридаги ғўза ниҳолларини аёвсиз савалаб, тупроққа қориштириб, йўқ қилиб кетди...

Бригадир тасодифан шу воқеани эсладими, шийпонга етай деб қолганда йўлни ўзгартириб, вақтида чекланка қилинган карта томон бурилди. Ариқдан хатлаб ўтди-да, қўлини пешонасига соябон қилганича яхлит картага, текис ғўзаларга анча муддат тикилиб турди. Сўнг эгат бўйлаб ичкарига юрди. Дамба-дам эгилиб ғўза тупларидаги қўсакларни санади, салмоғини чамалаб кўрди. Остки шохларидаги олди кўсаклар тухумдан катталик қилади. Ҳар тупда тўрт-бештадан. Юқори шохларда ҳам майда кўсаклар, гул ва шоналар сероб.

«Шу карталардаги ғўзалар 3—5 май оралиғида қайта экилган, десак ҳозир ҳеч ким ишонмаса керак, — ўйлади бригадир.— Чигит қуёш ҳароратига тўйинган, намлиги етарли бўлган тупроққа тушгани учунми, қийғос униб чиқиб, жуда тез ривожланди. Бирёқдан пахтаси кечки бўлиб қолмасин, деб ишловни кучайтирдик. Яйраб ўссин, деб маҳаллий ўғитни иложи борича кўпроқ бердик. Механизаторлар билан сувчиларнинг тажрибасини шу карталарга ташладик. Мана энди ғўзасининг ривожи апрелнинг бошида экилган майдонлардагидан ҳам ўтиб кетди. Ҳосили сероб, кўсаклари йирик. Кечаю-кундуз тиним билмай қилган меҳнатимиз зое кетмади».

Ҳақиқатдан ҳам табиатнинг ўша биринчи май кунги қалтис ҳазили бригада аъзоларининг байрамона кайфиятларини бузиб, ташвишларига ташвиш қўшди. Сифатли ягана қилиб, ўтдан тозаланган ғўзалар анча яйраб, ер бетини қоплай бошлаган пайтда дўл уриб, гугурт чўпидек бўлиб қолди.

Бригада аъзолари май байрамини далада зарбдор меҳнат билан нишонлашга қарор қилишди. Бунда наряд-сиз системада ишлашга ўтилгани жуда қўл келди. Бригада пудрати жорий этилгани туфайли коллективда «бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» шиори қарор топган. Ҳамма бирдан ёпишиб, 45 гектар ерга икки кунда қайта чигит экиб бўлишди. Асосий куч шу майдонлардаги ғўза парваришига сафарбар этилди...

Умрбой ака тонг салқинида яшнаб турган ғўзаларга, шода-шода кўсакларга завқ билан боқаркан, «Ҳа, агар коллектив аҳил, иноқ бўлса, ҳар қандай мушкул муаммо ҳам ҳал этилмай қолмайди», деган фикрни ҳаёлидан ўтказди. Сўнг кеча эгат бошларига суюқ шарбат оқизилган картага ўтди. Бугун сувчилар шу картадаги ғўзаларга обиҳаёт тарашади.

Бригадир эгат бошларини синчиклаб кузатди. Шарбат тупроққа яхши сингибди, Энди сув таралса, шарбатнинг қуввати нам ёрдамида тўғри ғўзаларнинг илдизига етиб боради. Агар суюқ шарбат эгатларга бир кун аввал оқизилмай, сув билан қўшиб таралса, оқава билан ташқарига чиқиб кетиб, ғўзага нафи кам тегади.

Шарбат оқизишнинг бу янги усули бригадирнинг таклифи билан қўлланила бошланди. Бунинг бошқа сабаби ҳам бор. Бригаданинг ер шароити шундайки, ғўза кўпи билан уч марта суғорилади холос. Кўп сув ғўзани ғовлатиб юборади. Оқибат теримда унум, хирмонда барака бўлмайди...

Умрбой ака саҳар палладa пахтазорни оралаб, ҳосил чўғини чамалаб кўнгли таскин топди, руҳи кўтарилди. Ҳатто: йил бошида пландаги 33 центнер ўрнига 40 центнердан хирмон кўтариш юзасидан қабул қилинган мажбурият камроқдек туюлди. Ҳар қандай социалистик мажбурият конкрет манбага асосланиши керак. Бригадирда шунга асос бор. Пахтазорларда етилаётган ҳосил шундан далолат бериб турипти. Эзгуликнинг кечи йўқ деганларидек, мажбуриятни ўзгартириш керак. Қолаверса, бу — бригада аъзоларининг область қишлоқ хўжалик ходимлари кенгаши қатнашчиларининг барча меҳнаткашларга мурожаатларига амалий жавоблари бўлади. Бригадир тушлик пайтида шу ҳақда сўз очишни мўлжаллаб қўйди.

Шу куни бригада аъзолари ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш юзасидан оширилган мажбурият қабул қилдилар. Аммо мажбурият олиш осон, ҳамма гап уни қойил қилиб бажариб, кўпчилик орасида юзни ёруғ қилишда эканлигини улар яхши билишади. Шунинг учун янги мажбурият келгусида амалга ошириладиган конкрет тадбирлар билан мустаҳкамланяпти. Чеканканинг сифати яна бир марта текширилиб, бир-икки кун ичида ниҳоясига етказилди. Суғориш августнинг охирларида тугатилади. Культивация эса ғўзанинг ҳолатига қараб давом эттирилади. Ғўзани дефолиация қилиш ва машина теримини бошлаш муддатларини шароитга қараб белгилаш юзасидан ҳам келишиб олинди.

А. ИЎЛДОШЕВ.

МУҲИМ ОБЪЕКТЛАР ҚУРИЛИШИГА

Чирчиқдаги бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатида социалистик мусобақанинг яхши йўлга қўйилганлиги коллектив ишлаб чиқариш кўрсаткичларида ўз аксини топмоқда. Корхона меҳнат аҳли кун сайин юқори кўрсаткичларга эришяпти. Цехлараро социалистик мусобақага мунтазам якун ясаб борилиши эса ўзаро беллашувнинг таъсирчанлигини янада оширмоқда. Бу эса комбинатнинг умумий кўрсаткичларини яхшилаб боряпти.

Шу йилнинг ўтган етти ойи давомида комбинат ишчи-хизматчиларининг баракали меҳнати туфайли турли қурилиш объектларига пландан ташқари 1600 кубометр темир-бетон маҳсулотлари ва конструкциялар жўнатилди. Шу билан бирга Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Ангрендаги резина-техника заводи, Тошкент трактор заводи сингари муҳим объектлар реконструкцияси учун планда кўзда тутилган материаллар ўз вақтида етказиб берилди.

Комбинат ютуғида уйсозлик цехининг муносиб ҳиссаси бор. Мазкур цех коллективи ўтган давр мобайнида пландан ташқари 580 кубометр ҳажмдаги йирик панелли уйларнинг деталларини тайёрлаб берди. Шунингдек, мактаб ва болалар боғчалари қурилиши учун пландан ташқари 680 кубометр қурилиш материалларини етказиб берган 7-қолиплаш цехи социалистик мусобақанинг етакчи ўринларидан бирини олганлиги маълум бўлди.

А. ПОРТНОЙ.

КОММУНИСТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ЎЗ ИХТИЁРИ БИЛАН

Абдуманнопни коммунистлар цех партия ташкилоти секретарлигига сайлашганда олдинига у бироз довдираб қолди. Оддий боғбон бўлсам, буёғи қандай бўларкин, одамларнинг оғирини енгил қилиш, кўпчиликка йўл-йўриқ кўрсатиш қўлимдан келармикин, деган ҳаёлга борди.

«Ҳўжакент» совхози 3-бўлими коммунистлари ўзларига кимни бошлиқ қилиб сайлашни яхши билишган экан, чамаси. Фурсат ўтмай бу камсуқум, аммо, ишбилармон йигит ўзини кўрсата бошлади. У цех партия ташкилотининг йиғилишларига бўлим иқтисодий ҳаёти ва тарбияга оид энг долзарб масалаларни олиб чиқарди.

Йиғилишларнинг бирида давлатга маҳсулот сотиш юзасидан белгиланган планни бажара олмаган бригада фаолияти таҳлил қилинди. Мажлис сўнгида цех партия ташкилотининг секретари А. Бейсенов сўз олди.

— Ўртоқлар!— деди у кўпчиликка юзланиб,—музокарада чиққан айрим нотиқларнинг сўзига қараганда узумчилик бригадасининг планни бажармаслигига ягона сабаб об-ҳавонинг ноқулай келиши экан. Қани айтингчи, қачон об-ҳаво биз учун қулай келувди? Табиат бирорта қалтис ҳазил кўрсатмаган йилни эслай оласизми? Йўқ. Буни ҳатто кексаларимиз ҳам айтиша олмайди. Бас, шундай экан, айбни об-ҳавога ағдармай ўз бўйнимизга ҳам олайлик. Агар агротехника муддатлари бузилмай парвариш қилинса токзорларимиздан мўлжалдагидан ҳам мўл ҳосил олиш мумкин эди.

— Ҳой, мумкин бўлса, ўзинг бизга шуни кўрсатиб берсангчи. Идорада стол муштлаб гапирган билан ишкомларда шингил кўпаярмиди.

Ўртада енгил кулги кўтарилди. Ҳамма Абдуманнопнинг сўзини бўлган ўша қолоқ бригада бошлиғи Тўрахон Керимқуловнинг гапига кулди.

Абдуманноп йиғилиш қандай ёпилганини, қандай қарорлар қабул қилинганини ҳам яхши англамади. Табиатан бир сўзли бу йигитнинг қулоғида ҳамон Тўрахон аканинг «Ўзинг кўрсатиб берсангчи!» деган сўзлари жаранглари...

Эртасига у совхоз партия комитетининг секретари Мирхолиқ Қорабоев ҳузурига кирди. Абдуманноп кечаги йиғилиш ҳақида гапириб туриб бир оз жим қолди-да, сўнгра ўнғайсизланиб деди:

— Мирҳолиқ ака, мени тағин амалга ошқибозлик қиляпти, деб ўйламанг-у, лекин агар йўли бўлса, қолоқ бригадага ўтказсангиз...

Шундай қилиб Абдуманноп Бейсенов қолоқ бригадага бошчилик қила бошлади. Аввало, бригададаги ишларга синчиклаб разм солди. Кекса, тажрибали соҳибкорлар билан маслаҳатлашди. Сўнгра секин-аста ишнинг боришига ўзгаришлар киритта бошлади. Энг аввало меҳнат интизомини мустаҳкамлади. Ишдан қолиш, далага кечикиб келиш каби ҳолларни йўқ қилди. Иш вақтидан унумли фойдаланиш устидан назорат қилишни бригада аъзоси, партия группаси ташкилотчиси Бахтигул Эртаевага юклади. Токлар парваришида мутахассислар фикри ва илғор тажрибаларга қатъий амал қилди. Ўша йилнинг баҳори ҳам ноқулай келди. Тўхтовсиз жала, қатиқ шомол, совуқ бўлиб турди. Яширишни нима ҳожати бор. Бундай оғир пайтларда Абдуманнопп баъзиларни ўз орқасидан истеҳзоли қулиб қараётганларини пайқарди. Улар «Ишларинг қалай, шаввоз, табиатга бас келиб кўр-чи?!» деяётгандек бўлишарди.

Аммо бригада аъзолари ахиллик билан бир ёқадан бош чиқариб ишлашарди. Уларнинг ҳар бири ўз вазифасини сидқидилдан, виждонан бажаришга интиларди. Район Совети депутати Н. Жанғабоева, илғор коммунистлар Б. Керимқулов, К. Тожиев Абдуманнопп ёнида бўлдилар.

Орзиқиб кутилган куз ҳам келди. Олтин куз саховати аёниқса А. Бейсенов бошлиқ бригаданинг шарбатга тўла токзорларида яққол сезиларди. СССРнинг шонли 60 йиллик юбилейини нишонлаётган совет халқи дастурхонига бригада аъзолари 358 тонна узум армуғон этишди. Йиллик план 109,8 процент адо этилди.

Бундай зафарларга кўп йилларлан бери эриша олмаган соҳибкорларнинг кувончи чексиз эди. Ахир совхоз бўйича қолоқ ҳисобланган бригада энди илғорлар сафидан ўрин олди-да.

— Ушбу ғалабада Абдуманнопнинг ҳиссаси катта,— дейишди бўлим ишчилари.

Аммо Абдуманнон эса буни инкор этди.

— Ғалабани аҳиллик, мустаҳкам интизом, ўзаро мусобақа таъминлади, — дейди у.

Бу йил бригада аҳлининг мақсади янада улкан. Улар ўтган йилдагига қараганда бир ярим ҳисса кўп ҳосил олишмоқчи.

... Дарёнинг саёз ерига ўтириб қолган кемаларни энг тажрибали, тадбиркор дарғаларгина йўлга солиши мумкин. Дарғалар кемани пистага ўчоғидек ўйнатаётган қудратли тўлқинлар билан курашда доимо фидойилик, жасорат намуналарини кўрсатадилар. Абдуманнопп каби коммунистлар ҳам дарғаларга ўхшайди. Улар оммани ҳамиша нурли уфқлар сари етаклашади.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ,
Бўстонлиқ райони.

ИҚТИСОДЧИ МИНБАРИ

ОРАЛИҚ БРИГАДАЛАРИНИ КЎПАЙТИРАМИЗ

Комбинатимиз коллективи ўн биринчи беш йилликнинг марказий йилида юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқда. Биз уй-жойларни фойдаланишга топшириш бўйича ўтган йили эришилган даражадан ўтиб кетиш, товар қурилиш маҳсулоти юзасидан белгиланган йиллик планни 28 декабргача бажариш мажбуриятини олиб ишламоқдамиз. Шу йилнинг ўтган даврида анча дуруст натижаларга эришдик. Давлат планни ортиғи билан адо этилди. Қўшимча қўплаб уй-жойлар ишга туширилди. Ўнлаб тонна цемент, металл ва бошқа шу каби қимматли бинокорлик материаллари тежаб қолинди.

Биз бу йилги маррани муваффақиятли эгаллаш учун техника тараққиётини жадаллаштириш, илғор иш усулларини қўлланишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Ишнинг конвейер асосида аниқ ташкил этилиши учун курашяпмиз. Поток усулини жорий қилиш, бригада пудратини, айниқса унинг оралиқ комплекс формасини оммалаштиришга ҳаракат қилаяпмиз.

Оралиқ бригадалари ва потокларнинг ташкил этилиши меҳнат унумдорлигини ошириш, бинокорларнинг ижодий активлигини кучайтиришга олиб келмоқда. Меҳнат ва технологик интизом янада мустаҳкамланмоқда. Барча бундай бригадалар коллективлари меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Мавжуд резервлар ва имкониятларни қидириб топиб ишга солишяпти. Уларнинг унумли ва сифатли меҳнатлари моддий ва маънавий рағбатлантириб турилибди.

Биз умуман бу йил жами қурилиш-монтаж ишларининг деярли 90 процентини ана шу прогрессив усул асосида амалга оширишни мўлжалланамиз. Янгиликни жорий қилиш заводлар цехларида, қурилиш майдонларида меҳнат жараёнининг жадаллашишига, ишнинг бир маромда олиб борилишига ёрдам бермоқда. Чунки, эндиликда барча саноат цехлари, монтажчилар, пардозловчилар, шофёрлар шартнома мажбуриятлари асосида ишламоқдалар. Ҳамма тузилган бундай шартномаларга қатъий амал қилишга ҳаракат этади. Бу турли қурилиш ва транспорт ташкилотлари ишчи-хизматчилари ўртасидаги ҳамкорликни кескин яхшилашга олиб келди. Ҳамманинг бир ёқадан бош чиқариб зиммасидаги вазифани виждонан бажаришга бўлган интилиши кучайди.

Бундай яқин ҳамкорлик якунлари жуда қувончли бўлмоқда. Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган йиллари давомида комбинатимизда ходимларнинг ўртача сони кўпаймагани ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш анча ортди. Биргина 1982 йилда пландагидан ташқари 5 минг квадрат метр саҳнли уй-жойлар фойдаланишга топширилди.

Биз бошқарувни дебоча ишчи коллективи ҳисобланган, тайёр қурилиш маҳсулотини барпо этадиган бригадага яқинлаштирмоқдамиз. Йиллик, квартал, ойлик, ўн кунлик, кунлик планлар илгаригидек участкаларга эмас, балки оралиқ потоклар ва бригадаларга маълум қилинмоқда. Демак, ҳар бир бундай коллектив маълум вақт давомида ўз олдида турган вазифанинг тури, ҳажмини аниқ билади. Бунга эса олдиндан тайёргарлик кўриш имкониятига эга бўлади.

Ишимизда яна бир қўлланаётган янгиликни таъкидлаб ўтмоқчиман. Илгари материаллар, конструкциялар, комплектлаштирувчи буюмлар қурилиш бошқармалари ва участкалари омборларига тарқатиларди. Сўнгра қурилиш майдонларига етказиб бериларди. Эндиликда эса тамомила бошқача манзарани кўрасиз. Кўп меҳнат ва маблағ сарфлаб амалга ошириладиган бундай оралиқ жараёнга хотима берилди. Барча зарур бинокорлик материаллари комбинатнинг марказий базасидан бевосита қурилиш ва монтаж билан шуғулланувчи бригадаларнинг иш жойига етказиб берилади. Бу билан уйларни тўғридан тўғри «ғилдирак»дан монтаж қилиш принципига амал қилинмоқда.


Янги тартиб қурилиш ишлаб чиқаришини моддий-техника таъминоти билан алоқасини беқиёс даражада мустаҳкамлади. Бу билан хўжалик механизмининг такомиллашиши таъминланди. Биз бир неча йиллар давомида ҳал қилиш учун курашган муҳим муаммо бартараф этилди: эндиликда барча бригадалар бир хил шароитда ишлайдиган бўлдилар. Шунинг учун ҳам улар пудрат суръати анча тезлашган, сифат кўрсаткичлари сезиларли даражада ортган бўлар эди. Бизнингча ёрдамчи пудратчи ташкилотларнинг вакиллари ҳам йирик панелли уй-жой бинолари қурилишидаги оралиқ бригадалар составига қўшилишлари керак. Ана шу бўлинмаларнинг раҳбарлари бу масалага умум манфаати нуқтаи назаридан муносабатда бўладилар, деб ишонгинг келади.

Ҳозирги вақтда уйсозлик комбинатимизда 6 та оралиқ поток бор бўлиб, уларга заводимизнинг 24 бригадаси ва транспортчилар, монтажчилар ҳамда пардозловчиларнинг 18 та бригадаси бирлашган. Биз бундай потоклар сонини муттасил кўпайтириб борамиз. Ҳозирги вақтда 7-потокни ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда.

31-қурилиш бошқармасининг Н. Киселев, 2-қурилиш бошқармасининг А. Закусилов, 1-монтаж бошқармасининг Ғ. Асфандиёров, 1-пардозлаш бошқармасининг Г. Грязневлар бошчилик қилаётган потоклар коллективлари меҳнатда бошқаларга намуна бўлмоқдалар

Прогрессив усул ишимизга катта фойда келтирмоқда. Шунинг учун уни бундан буён ҳам кенг ёйишга ҳаракат қиламиз. Бу олдимизда турган ва тобора ортиб бораётган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига ёрдам беради.

Г. ГУБАРЕВА,
1-уйсозлик комбинати бошлиғининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари.



С. Ҳожиев фотолари.

ЯНГИ ПУНКТ

БЎКА районидаги «Бўка» совхозининг 2-бўлимида янги пахта тайёрлаш пункти қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Райондаги 4-механизациялашган кўчма колонна ишчилари бунёд этаётган бу объектда шу кунгача 220 минг сўмлик иш бажарилди. 30 минг квадрат метр ҳажмдаги майдон сифатли асфальтланди. 16 та пахта бунти тағи мавсумга шай.

— Янги пахта тайёрлаш пунктида хўжаликлардан келтирилаётган «оқ олтин»ни тўхтовсиз қабул қилиб олиш учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда, — дейди қурувчилар бригадаси бошлиғи В. Казимирский. — Аввало пахтани янги ГОСТ нархлари асосида сортларини аниқлаш ва алоҳида бунтлаш мақсадида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лаборатория ишга туширилади. Бундан ташқари, қимматли хом ашёни ёғин-сочиндан асраш, сифатли бунтлаш учун барча қулайликлар яратилади.

Бу йил янги пахта тайёрлаш пункти хўжаликлардан дастлабки ҳосилни қабул қилади. У 10 минг тонна «оқ олтин» қабул қилиб олишга мўлжалланган.

О. ҲАМРОЕВ.

Кўргазмада пойтахт жамоли

Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига республикамиз архитекторлари муносиб совғалар ҳозирламоқдалар. Бунга Ўзбекистон ССР Архитекторлар союзи кўргазмалар залида бўлган киши ишонч ҳосил қилади. Кўргазмадаги экспонатларда шаҳар массивларида қад кўтараётган замонавий типдаги маъмурий, маданий-маиший ва турар-жой бинолари ҳамда спорт иншоотлари ўз аксини топган. Улар пойтахтимизнинг бугунги ва ўтмиши ҳақида ҳикоя қилади.

Кўпчилик шаҳарнинг революциягача бўлган кўринишини акс эттирувчи тарихий ҳужжатлар, Тошкент тарихини ўрганиш юзасидан олиб борилган археологик қазилмалар натижаларини акс эттирувчи фото-суратларни зўр қизиқиш билан томоша қилмоқдалар.

Т. УММАТОВ.





ЎШ

Қирғизистонда полиз экинларини йиғиштириб олишга киришилди. Янги ҳосил ортилган автомашиналар хўжаликлардан магазинлар ва темир йўл станцияларн сари йўл олдилар. Бу йил Ўш областининг деҳқонлари давлатга қарийб беш минг тонна тарвуз ва қовун сотишни мўлжалламоқдалар. Бу эса ўтган йилдагидан анча кўпдир.

БАРНАУЛ

Барнаулдаги янги автовокзал дастлабки пассажирларни қабул қилди. Бу ерда ҳар куни минглаб пассажирларга хизмат кўрсатиладиган бўлади. Бу ердан Олтойнинг 8 шаҳри ва 26 районига автобус қатнайди.

МИНСК

Республикадаги кўпчилик магазинларда ишлаш муддатининг 1—2 соат узайтирилганлиги икки баравар кўп наф келтирди: харидорлар учун қулайлик туғилди ва товар оборотига миллионлаб сўм пул қўшилди. Ҳозирги вақтда республиканинг ҳамма шаҳарларида аспида ҳамма универмаглар, гастрономлар, сабзавот, китоб магазинлари, комиссион магазинлар, ихтисослашган мебель магазинлари, болалар кийим-кечаклари, хўжалик моллари ва электр моллари, заргарлик буюмлари магазинлари соат 20—21 гача ишлайди. Бу муассасаларнинг кўпчилиги якшанба куни ҳам очиқ.

НОРИН

Бугун марказий Тянь-Шань деҳқонлари ғалла ўрим-йиғимига киришдилар. Район аграр-саноат бирлашмаси кенгашларига бўйсунган қирққа яқин ўрим-йиғим-транспорт комплекси ташкил қилинди. Қарийб 75 минг гектар майдондаги ғаллани ўриб-йиғиб олиш лозим.

ТОЛДИҚЎРҒОН

Жаркент водийсидаги Бабелян канали реконструкция қилинди. Энди у экинзорларга секундига 15 куб метр — аввалдагига нисбатан бир ярим баравар кўп сув берадиган бўлди. Аввал янги канал қазиш режалаштирилган бўлиб, бу тадбир кўп вақт ва маблағ талаб қилар эди. Мутахассислар бошқача ечимни таклиф қилдилар, кўплаб ишлаб чиқарилаётган темир-бетон плиталардан фойдаланиб мавжуд канал ўзанининг баландлигини оширишга аҳд қилдилар. Бунинг натижасида экинзорлар яхши суғориладиган бўлди. Беш йиллик бошидан буён Қозоғистон жанубида тўққизта суғориш системаси реконструкция қилинди.



● **УКРАИНА ССР. Уренгой—Ужгород газопроводининг Карпат участкаси қурилиши ниҳоясига етмоқда. Бу қурилиш автомагистрал, паст-баланд адирликлар, сувлар оша дадил одимламоқда. Суратда: газ қувури участкаларининг бирида пайвандлаш пайти.**

В. Мигович фотоси. (ТАСС).

АШХОБОД

Туркманистоннинг Тошҳовуз областидаги Тахта районида катта насос станцияси ишга тушди. Бу насос станцияси Озерний коллекторидан зовур сувини Ғазовот суғориш каналига етказиб беради. Пахта далаларига оқиб борадиган чучук сувга озгина минераллашган сувнинг қўшилганлиги иссиқ кунларда ўсимликларнинг нормал ривожланишини таъминлайди. Республикада вегетацион суғориш даврида 30 дан кўпроқ сув тўплаш иншоотн ва юзлаб насос станциялари ишга туширилди.

БЕЛГОРОД

Бугун область ғаллазорларидан сўнгги комбайнлар чиқиб кетди. 720 минг гектар майдоннинг ҳаммасидаги эртаги донли экинлар янчилиб бўлди. Нарядсиз ишлайдиган звенолар ишда муваффақиятли таъминлади. Бошоқли экинлар ва техника экинлари майдонларининг учдан икки қисми шундай звеноларга биркитилгандир.

(ТАСС).

КАСАБА СОЮЗЛАРИ ҲАЁТИДАН

ОДАМЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК

Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчи ва мутахассислари қорхонанинг ўзида смена бошлангунча ва смена тугагандан кейин зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари ҳарид қилишлари, маиший хизмат турларидан фойдаланишлари мумкин. Бу ерда хизмат кўрсатиш турлари анча кўпайтирилди. Корхона территориясида янги озиқ-овқат ва саноат моллари магазинлари, сабзавот ва мева дўконлари, сартарошхона, турли устахоналар ва ателье очилди.

Тўқимачилар коллективда очиқ хат кунлари ўтказилган вақтда билдирган таклифларга биноан шундай қилинди. Дирекция ва касаба союз комитетининг вакиллари комбинат механизаторлари ва кашларидан тушган ҳамда меҳнат ва турмуш шароитини янада яхшилашга қаратилган тавсияларни умумлаштирдилар ва доимий ишлайдиган ишлаб чиқариш кенгаши мажлисида социал ва маданий турмушни янада ривожлантиришнинг конкрет программасини ишлаб чиқдилар. Комбинатнинг учта янги филиалида ошхоналар ва маиший хизмат пунктлари очилди, барча фабрикаларда қўшимча савдо тармоқлари ташкил этилди. Санаторий типидаги профилакторий қурилди, спорт комплекси реконструкция қилинди. Янги уйларга кўчиб кирган оилалар сони ўтган йиллардагига қараганда қарийб икки баравар кўпайди.

Тўқимачиларга маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилинаётганлиги ходимлар меҳнат активлигининг ўсишига яхши таъсир кўрсатмоқда. Коллективда меҳнат интизомини бузиш ҳоллари, кадрлар қўнимсизлиги камайди.

(ЎзТАГ мухбири).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ материаллари изидан

«МЕВА ВА САБЗАВОТ НЕГА ҚИММАТ?»

Газетанинг 9 июль сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада «Ташплодоовощ» бирлашмаси ва мева-сабзавот етиштирувчи хўжаликлар ўртасида ҳамкорликнинг йўқлиги, ўзаро шартномаларнинг бузилиши натижасида ёз ноз-неъматларини ўз вақтида истеъмолчиларга етказиб берилмаётганлиги, маҳсулот сарсон бўлиб, сифати бузилаётгани фактлар асосида жиддий танқид қилинган эди.

Мақола юзасидан «Ташплодоовощ» бирлашмасининг директори М. Ортиқхўжаевдан жавоб олдик.

— Газетада босилган танқидий мақола бирлашманинг кенгайтирилган советида муҳокама қилинди, — дейилади жавобда. — Улгуржи— савдо идоралари адресига айтилган танқидий фикрлар тўғри деб топилди. Сабзавот ва мева маҳсулотлари савдосида йўл қўйилган камчиликларни тезда тугатиш юзасидан шошилинч тадбирлар кўрилди. Хўжаликлардан келтирилаётган ноз-неъматларни уринтирмай тезроқ аҳолига етказиб бериш мақсадида бевосита саноат корхоналарида, турар-жой массивларида, бозорларда янгидан 270 ишчи ўрнига эга бўлган 236 та дўкон очилди. Ҳозир жами 992 ишчи ўринга эга бўлган 420 та савдо шоҳобчаси пойтахт аҳолисига хизмат кўрсатмоқда.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини хиллари қадоқланган ҳолда аҳолига сотиляпти.

Ўтган ярим йилда 8961 тонна картошка, 4598 тонна сабзавот, 689 тонна мева аҳолига қадоқланган ҳолда сотилди, 133 та йирик магазинларнинг 81 тасида савдонинг ўз-ўзига хизмат усули қўлланилмоқда.

Ташкилий тадбирлар туфайли сабзавот ва мева савдоси ҳажми ой сайин кенгайиб боряпти.

Шаҳар аҳолисига июнь ойида пландаги 7013 ўринга 9805 тонна турли сабзавотлар, 5 минг ўринга 7250 тонна картошка сотилди, 1000 тонна ўринга 1408 тонна мева етказиб берилди. Июль ойида савдо обороти яна ҳам ошди.

«Ташплодоовощ» бирлашмаси ходимлари бундан буён ҳам аҳолига савдо хизмати кўрсатиш қўламини кенгайтириш йўлида қўшимча тадбирларни амалга ошираверадилар.

ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА

АМАЛДАГИ ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ

ТОШКЕНТ индустриал-педагогика техникумида кўплаб чет эллик ёшлар таҳсил кўришмоқда. Жумладан бир группа никарагуалик ёшлар ҳам шу даргоҳда ўзлари танлаган касб сир-асрорларини пухта ўзлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Техникумда бўлажак ёш мутахассислар билан мунтазам равишда слесарь-йиғувчилик касби бўйича амалий машғулотлар олиб боришга катта эътибор бериляпти. Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи территориясида техникумнинг ўқув-тажриба участкаси ташкил этилди.

Никарагуалик ўқувчилардан иборат слесарь-йиғувчилар группасининг бу йилги практикаси муваффақиятли ўтди. Корхонада тайёрланаётган «ХНП-1,8» маркали агрегатни ишлаб чиқаришда улар ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Бундай машинадан 50 таси Ангола Халқ Республикасига жўнатиш учун тайёрланмоқда.

ТЕХНИКУМГА ЯНГИ БИНО

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ техникумини ҳар йили турли мутахассисликлар бўйича юзлаб кадрлар муваффақиятли битириб чиқишмоқда. Бу илм даргоҳида янги хил ихтисосликлар бўйича лаборатория ва фан кабинетлари ташкил этиш мўлжалланмоқда. Бу эса техникум учун замонавий ўқув корпуси қуришни тақозо этди.

Яқинда СССР Фанлар академияси илмий-текшириш муассасаларини лойиҳалаш институтининг Тошкентдаги устахонаси инженер ва архитекторлари бўлажак корпус лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Янги бино уч қаватли бўлиб, унинг ёнида ижтимоий-маиший мақсадлар учун мўлжалланган икки қаватли блок қад кўтаради. Шунингдек, спорт зали, тўгарак машғулотлари олиб бориладиган хоналар ҳам қуриб ишга туширилади. Ўқув корпуси ён атрофида сўлим боғ барпо этилади.

Пойтахтимизнинг Тўрақўрғон кўчасида қурилаётган бу бино янги ўқув йилида бўлажак гидрометеорологларга ажойиб совға бўлади.

А. АЛИЕВ.

БУЙРУҚ

БУ ҲАҚДА ПЛЕНУМДА ГАПИРИЛГАН ЭДИ

Райондаги катта йиғилишда колхоз раисларидан бири райижроком раиси муовини билан айтишиб қолди. Ҳаммасига раиснинг клуб учун ажратилган маблағга омборхона қургани сабаб бўлди.

— Узингиз клуб қуришга пул йўқ, дегандингиз,— фиғони чиқарди раис муовинининг, — банк билан гаплашиб ундириб бердик. Пудратчи топдик. Тағин нима керак эди сизга?

— Нафсиламбирини айтганда менга омборхона зарурроқ эди-да,— раис отдан тушса ҳам эгардан тушмагандек кўринарди.

— Э, тавба!— раис муовини тутоққанича ўрнидан туриб кетди.— Қанақа инсонсиз ахир. Колхозингизда йиғилиш ўтказишга тузукроқ жойингиз йўққу, омборхонага бало борми?! Нима, бу йил ҳам ҳисобот йиғилишини мактаб залида ўтказмоқчимисиз?

— Узимиз қурган мактабда йиғилиш ўтказсак, бунинг нимаси ёмон.

Ҳар жойда бўлганидек, бу ерда ҳам ўртага тушадиганлар топилди.

— Э, фойдасини билмаган одам,— деди биров,— пул беришгандан кейин қурсангизчи.

— Айб менда деб қўяқолсангизчи,— деди бошқаси.

Ўжар раис эса ҳамон бўш келмасди.

— Кўрпага қараб оёқ узатиш керак,— деди у.— Мингминг сўм сарфлаб олиб келган картошка уруғларимиз ҳар йили ертўлада чириб кетсин-у, биз йилда бир бўладиган йиғилиш ўтказиш учун ҳашаматли клуб қурайликми? Йўқ, мен бундай қилолмайман...

Орадан уч йил ўтгач, ўша қолоқ, банкада пули йўқ колхоз илғорлар қаторига ўта бошлади. Картошкадан районда энг юқори ҳосил етиштирди. Бунинг эвазига мўмайгина даромад олди. Энди йиғилишларда бошқаларни шу хўжаликдан ўрнак олишга, тажрибасини ўрганишга даъват эта бошладилар.

— Ҳаммаси уруғликка боғлиқ,— деди у тажрибаси билан қизиққанларга жавоб бериб.— Уруғлик яхши мослаштирилган, совутиш қурилмалари бор омборхонада сақланса, кўнгилдагидек ундирилса, ҳосил ҳам юқори бўлаверади.

Албатта, раис бунда бошқа агротехник тадбирлар ҳам иккинчи даражали роль ўйнамаслиги, аммо барибир, уруғликда гап кўплигини таъкидларди.

Ана шунда бундан уч йил илгари йиғилишда бўлиб ўтган тортишувда ўртага тушган хўжалик раҳбарлари уялиб қолишди. Улар ўзлари ҳам шундай омборхона қуришни пинҳона кўнгилларига тугиб қўйдилар.

Даромадга қараб буромад ҳам яхши бўлди. Колхоз икки йилдан сўнг шинамгина клуб ҳам қуриб олди. Лекин бунгача раис озмунча дашном эшитмади.

Кейинги пайтларда онгли интизом, меҳнатга онгли муносабат тўғрисида жиддий гаплар бўляпти.

Албатта, юқори органлар, идоралар, ташкилотларнинг буйруқ — топшириқлари қуйи органлар ходимлари учун қонун. Уларни бажариш, ҳаётга тадбиқ этиш ҳам интизомдир. Қуйи ташкилотларнинг ижроси, эътибори учун тайёрланадиган буйруқ, бериладиган топшириқ ва кўрсатмалар партия ва ҳукуматимизнинг қарорлари асосида бунёд этилади. Шунинг учун ҳам бундай буйруқларни менсимаслик, уни бажаришдан бўйин товлаш, ишлаб чиқаришда пала-партишликка, ўзибўларчиликка, бош-бошдоқликка олиб келиши мумкин.

Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Юқори ташкилотлар томонидан бериладиган ҳар бир топшириқ — буйруққа ҳурмат билан муносабатда бўлиш билан бирга уларни пухта ўрганиб шароитга нисбатан тадбиқ этиш учун курашиш керак. Ёки бўлмаса буйруқни ижро этувчи ётиғи билан ўзининг мулоҳаза ва таклифларини ўртага ташлаши, ҳақлигини исбот этиш учун ишончли далилларни келтириб ўз нуқтаи назарини қаттиқ туриб ҳимоя қилиши керак. Агарда бунга эриша олмаса нафақат бир одам, балки бутун коллектив, қолаверса жамият зарар кўриши мумкин.

Гоҳида йил охирида баъзи колхоз-совхоз раҳбарларидан «мажбуриятни катта олиб юборибмиз-да, шунинг учун бажара олмадик» деган гапни эшитиб қоласан. Хўш, йил бошида уларнинг хаёли қаёқда эди? Ўзлари белгилаган режаларининг ҳар томонлама асосли эканлигига ишонч ҳосил қилиб, сўнгра ваъда берганларида эди шунга яраша иш ташкил этиларди. Сўзда субут бўлардик.

Калинин районидаги қатор хўжаликларда мажбуриятни худди илмий ишдек ёқлаш одат тусига кириб бормоқда. Колхоз-совхозлар раҳбарлари, мутахассислари мажбуриятни бажариш учун қандай имкониятлари борлиги, нима ҳисобига ҳосилдорликни неча центнерга кўтара олиш мумкинлигини рақамлар билан исботлайдилар. Натижада берилган ваъдани бажаришнинг аниқ имкониятлари қарор топади. Бу — биринчидан, мажбуриятнинг бажарилишига кафолат бўлса, иккинчидан, колхоз-совхозларнинг кўрсаткичлари асосида районнинг умумий истиқболини белгилаш осон кўчади.

Бунга ҳар бир соҳадан жонли мисоллар келтириш мумкин. Масалан, ипак қуртини олайлик. У жуда нозик нарса. Пилла тутиш мавсумида хонадонлардаги аҳволдан хабардор бўлиб туриш учун кўпчилик районларда вакиллар тайинланади. Баъзида жойларга областдан ҳам худди шундай кишилар бириктирилади. Қани энди уларнинг ҳаммаси пилла тутиш технологиясини билишса! Вакиллар орасида баъзан пилла қуртини биринчи маротаба кўраётганлар ҳам учрайди. Бироқ ўқиган, эшитган консультациялари асосида пилла тутаётганларга буйруқ берадиганлар ҳам йўқ эмас. Шуниси қувонарлики, хонадон соҳибларининг аксарияти пилланинг миришкорлари. Буйруқнинг фарқига боришади, ўз шароитлари, имкониятларини чамалаб иш тутишади. Агарда нотўғри маслаҳатга кўр-кўрона ёндошилса борми, пилла тутаман, деб уйқусиз ўтказилган неча-неча кунларнинг қиймати бир пул бўлади!

Аслини олганда вакиллар пиллачиларни ўтин-кўмир, тут барги билан таъминлаши сингари масалалар билан қизиқишлари, керак бўлса тегишлича ёрдам кўрсатишлари керак. Аҳволни, соҳани яхши билмас эканлар буйруқ беришдан ўзларини тийсалар яхши эмасми?!

Ваҳоланки, орамизда у ёки бу масалани бажаришга аллақачон вақт етганини аниқ-равшан билиб турсалар ҳам расмий буйруқ кутиб, кунни кеч қиладиганлар, қимматли муддатни бой берадиганлар ҳам йўқ эмас. Бундайлардан «нега шу ишни ўзингиз ҳал қила қолмадингиз?» деб сўраб кўринг, деярли бир хил жавобни оласиз: «Ахир юқоридан буйруқ бўлмасдан туриб, бирон иш қилиш ўзбошимчалик, ҳурматсизлик-ку!»

Ана холос! Масъулиятдан қочиш, ташаббускорлик йўқлигини усталик билан ниқоблашни қаранг! Таъбир жойиз бўлса, бундай кишиларнинг роботлардан қандай фарқи бор? Улар ҳақида беихтиёр ўйлайсан киши: у ёки бу масала юзасидан ўзича мулоҳаза юрита олмайдиган, мустақил фикрга эга бўлмаганлар қаердан пайдо бўлади? Ахир жамиятимиз омманинг онглилиги, кишиларнинг ташаббускорлиги билан кучлидир. Баъзи ўринсиз буйруқлар, уларнинг бажарилмаслиги натижасида берилган жазолар маълум даражада айрим жойларда ишга халақит бериб, ташаббускорликни бўғишга, мустақилликнинг йўқолишига сабаб бўлмаётганмикан?

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленумида алоҳида таъкидландики «...бирор томон силжиганимиз сайин шахсни ҳар томонлама камол топтириш имкониятлари ортиб боради, шу билан бирга жамиятнинг шу шахсга нисбатан талаблари ҳам доимо ортиб бормоқда».

Демак, ҳар бир киши топширилган вазифага ижодий, масъулият билан ёндошиши керак. Ана шундагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Яна бир мисол. Район матлубот жамияти правленеси раисини тез орада вазифасидан бўшатишга тўғри келди. Ҳаммасига ишга кўр-кўрона ёндошиш, топшириқ, кўрсатма олаётганида «хўп-хўп» дейиши-ю, бироқ амалда бажармаслиги сабаб бўлди.

Матлубот жамияти қошидаги чорвачилик ёрдамчи хўжалик қурилиши, аҳолига савдо хизмати кўрсатишдаги камчиликлар сабабли раисни койишарди. У бўлса қўлини кўксига қўйиб мулойим жавоб берарди: «Хўп бўлади, тузатамиз».

Дастлаб раис ҳақида: «намунча мулойим, намунча ижрочи» деб юрганлар, кейинчалик унинг исмини «хўп-хўпчи» қўйиб олишди.

Йиғилишларда аҳволни тузатиш ҳақида шундай ваъдалар берардики, ҳар қандай киши ҳам «ҳа, тузук, инсофга келиб қолибди, энди яхшироқ ишлар» деб унинг ваъдасига юрагининг бир чеккасида ишониб қўярди. Аҳвол эса ҳамон эскича қолавергач, ниҳоят «хўп-хўпчи»га нисбатан ташкилий чора кўришга тўғри келди.

Мақолада кўпроқ салбий мисолларга мурожаат этилгани эҳтимол ноўрин туюлар. Бизда ажойиб раҳбарлик санъатига эга бўлган кадрлар оз дейсизми. Улар буйруқ беришдан олдин етти ўлчаб бир кесадилар. Худди шунингдек, у ёки бу масала юзасидан юқоридан берилган буйруқ ёки кўрсатмаларни амалга оширишга киришишдан олдин ўз шароитлари, хўжаликлари талаби, имкониятлари даражасидан келиб чиқиб атрофлича мушоҳада қиладилар. Зарур бўлса шу буйруққа тузатиш ҳам киритадиларки, уларнинг бу ишлари ўринли ва ҳақ эканликларига тан бермасликдан бошқа илож бўлмай қолади.

Буйруқ. У маълум маънода сафарбар этувчи кучга эга. Кўпинча идораларда «министрликдан, бошқармадан ёнки трестдан буйруқ бердилар», «Буйруқни бажармасликка қандай ҳаққингиз бор?» деган гапларни эшитиб қоламиз. Юқори ташкилотларга ҳурмат белгиси бу сўзлар. Уларнинг замирида онгли интизом ётса қандай яхши!

А. ҲАТАМОВ,
СССР Журналистлар Союзининг аъзоси.



Бекободдаги «Далварзин» совхози механизаторлари бу йил ўтган йилдагидан кўра гектаридан тўрт центнердан ортиқ, яъни 40 центнерлик марра учун кураш олиб боришмоқда. Бундай юқори ҳосилликка Тошкент технология институти туфайли эришилмоқда. Хўжалик аъзолари август ойининг ҳосил тўплашда зарбдор ой деб эълон қилишган. Суратда: хўжаликнинг илғор ишчиларидан, бригада комсорги Муқаддас Алимматова.

УзТАГ фотохроникаси.

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

СОНИ КЎПАЙИБ, НАСЛИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Қиш ғамини ёзда енг, деганларидек, Ангрен керамика комбинатининг коллективи шу кунларда ёрдамчи хўжалик учун кўплаб ем-хашак жамғармоқда. Ҳозиргача корхона ишчи-хизматчиларининг мадади билан 100 тоннага яқин дағал хашак тайёрланди.

Комбинатда «кичик ферма» ем-хашак базасини мустаҳкамлашга катта аҳамият берилмоқда. Бу йил 30 гектар ерга буғдой, 26 гектар ерга эса беда экилган эди. Чорва учун мўлжалланган дон йиғиштирилиб қиш учун ғамлаб қўйилди. Беда етилиши билан тез ўриб олинаяпти. Бу йил яна 20 гектар ерга беда уруғи сепиш мўлжалланмоқда.

Ёрдамчи хўжаликда 80 га яқин қорамол, 170 дан ортиқ қўй, эчки, 5 та от боқиляпти. Бу йил 46 та кўзи ва 9 та бузоқ олинди.

Корхона коллективи моллларнинг сонини кўпайтириш билан бирга наслини яхшилашга ҳам диққат қилмоқда. Яқин кунларда яна наслдор 30 бош қорамол ва 60 та қўй сотиб олиш мўлжалланмоқда.

1983 йилнинг ўтган даври ичида «кичик ферма»дан корхона ишчи-хизматчиларига 20 тоннага яқин гўшт, 14 тоннадан кўп сут сотилди.

Б. СОЛИХОВ.

ДАЛАДА ХИЗМАТ

МЎЛ ҳосил тўплаш учун кураш қизғин давом этаётган шу кунларда Пискент район марказий касалхонаси ходимлари дала механизаторларига медицина хизмати кўрсатишни намунали йўлга қўймоқдалар.

Тажрибали ва малакали врачлар ҳамда ҳамшираларидан иборат «Саломатлик группаси» аъзолари тез-тез дала шийпонларида бўлишиб, шахсий гигиенага амал қилиш, турли хил юқумли касалликларга олдини олиш ҳақида суҳбатлар ўтказмоқдалар. Бу борада Ё. Мирсоатов, З. Мингалиева, М. Одилова, М. Абдураҳимова сингари шифокорлар алоҳида ибрат кўрсатишяпти. Уларнинг «Гулистон», «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», Свердлов номли, Тельман номли колхозлар пахтакорлари ҳузурида ўтказган лекция ва суҳбатлари барчага манзур бўлди.

Ш. ШОМАТОВА.

ҚИЗҚАЛБИ ТАРОНАСИ

КЕЙИНГИ йилларда адабиётимизга кўпгина ижодкорлар кириб келишди. Шундай ёш қалам соҳибаларидан бири — Қутлибека Раҳимбоевадир. Шоиранинг шеърлари чуқур мушоҳадалар ва образли ифодаларга жуда ҳам бой. Унинг Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида «Авторнинг илк китоби» сериясида нашр этилган «Юрагимда кўрганларим» номли шеърлар тўплами ва шоиранинг вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилиниб турган туркум шеърлари бизни бу ижодкорнинг изланишлари борасида фикр юритишга ундади.

Тўпламдан жой олган шеърлар ранг-баранг мавзуларда бўлиб, уларга шоиранинг шеърият ишқида ёнган, орзулар қанотида парвоз этаётган, табиат, она заминн ҳуснидан ҳайратланган, муҳаббат шавқида тўлқинланган, гражданлик бурчини яхши ҳис қилган қалбининг зарблари муҳрланган.

Шоира инсон қалбининг ниҳоятда сахий бўлишини, унда ҳиссиётлар сурони, чексиз умидлар кони, тоғлардай юксак ғурур ва фахр туйғулари, мусаффо булоқлардек пок ниятлар, чегарасиз орзулар мужассам бўлишини истайди. У ана шундай юракларгина ҳаётнинг ҳар бир нафасига ҳамроз бўла олади, деб ўйлайди. Ана шундай юракларгина шеърият бағрига сингиб, одамлар қалбига ҳароратли, қудратли ва тиниқ фикрлар дарёсини олиб кира олади, деган қатъий хулосага келади.

«Менинг насибам» шеърида илгари сурилган ғоя жуда ибратлидир. Шоира инсон тақдири ҳақида ўйга толар экан, ўтмишдан қолган «Одамнинг тақдири насибаси туғилмасдан олдин пешонасига битилган бўлади» деган ақида устида фикр юритади. У ўзининг тақдири гўзаллик, ҳалоллик, ҳақиқат билан ҳамнафас, она ерга, шу ерни яшнатиш учун тўкилган манглай терга, қалбининг оловли парчаси — шеърга туташ бўлишини истайди.

Табиат гўзалликлари, ҳаётнинг ранг-баранг қирралари ижод аҳли учун туганмас илҳом манбаидир. Қутлибеканинг табиат ҳақида битилган шеърлари бизни чинакам гўзаллик билан ошно қилади. Биз табиатнинг назокатли инъомларини кўриб завқланмаган бўлишимиз мумкин. Лекин шоиранинг шу мавзудаги шеърларини ўқиганимизда ана шу нарсаларни кўрганимизга нисбатан ҳам кўпроқ завққа тўламиз. Бу хусусиятни унинг баҳор ҳақида ёзган шеърларида, айниқса, кўпроқ учратамиз. Шеърни ўқиётганингизда баҳор ўзининг бутун борлиғи билан кўз қорачиғингизда жилоланади. Ўзингизни боғлар қучоғида ҳис қиласиз.

Димиққан камалак отилиб чиқиб
Қувончдан самонинг белидан қучди.
Ва кўкнинг эгаси — қуёш кўрингач,
Ийманди шекилли, сирғалиб тушди.
Заминга қўшилиб кетди камалак,
Гулларга гул ранги қўшилди.
Майсага майсанинг рангларн.
Рангин кенгликларнинг тиниқ чиройи
Қуюқлашиб борар нур ўпган сари.

Камалакнинг булутлар орасида димиқиши, сўнгра отилиб чиқиб самони қучиши, қуёш чиққач сирғалиб ерга тушиши, ундан гуллар ва майсалар ўзига керакли ранг олиб товланиши —Қутлибека қаламига мансуб тасвирлаш услубининг кўринишларидир. Шоира қуёш чиқиб, камалак йўқ бўлди, дейиши мумкин эди. Лекин у образлиликни кучайтириш учун уни ерга сирғалиб тушди, дейди. Бундай дейишнинг иккинчи томони ҳам бор. Камалакда оламда бўладиган ранглар мужассам. Қутлибеканинг камалакни ерга «тушириш»дан мақсади она заминни, унинг безаги баҳор инъомларини ана шу рангларда кўришдан, ҳаёт гўзаллигини камалак рангида нурлантириб, унга бўлган меҳрни янада оширишдан иборатдир. Шоира туйган бу нафосат унинг вужудини шундай бир қудратга тўлдирадики, бу юрагида таъриф этиб бўлмас ҳайрат туйғусини тоширади.

Шоира қалбидаги баҳорга бўлган интиқликни бошқа бир қатор шеърларида ҳам ўзига хос тасвир усуллари билан ифода этадики, бу ўқувчилар завқига завқ қўшади. Унинг:

Ёмғирдан сўнг бошим
яланг далаларга чопаман.
Узоқ ухлаб ётган бир куч
уйғонади дилимда.
Камалакнинг чиройига
ҳайрат билан боқаман,

Уни секин ушлаб кўргим
келар шу пайт қўлимда,—

мисраларини ўқиганингизда, ўзингизни шеърда тасвир этилаётган манзара бағрида ҳис қиласиз. Қалбингизда қувонч, фикрингизда тиниқлик, ўйингизда теранлик, хаёлингизда равшанлик пайдо бўлади.

Ватан, она замин, туғилиб-ўсган маскан меҳри кимнинг ҳам дилида йўқ, дейсиз. Қутлибека ҳам ана шу мавзуда қалам тебратади. У қадрдон қишлоғи ҳаётидан қалбини узиб ололмайди. Ўзи узоқда яшаса ҳам юрагининг бир парчаси она қишлоғида қолган.

Қайда қолди дейсизми,
сен сўйлаётган қишлоқ,
Юрагимда у менинг,
юрагимда кўряпман...

Шоира дилини безовта қилиб, ҳамиша соғинч ҳисларини жунбушга келтирган, қадрдон қишлоққа тортувчи яна бир куч — мунис онанинг соғинчидир. Қутлибека «Онам» шеърида она меҳрининг беқиёслиги, дилининг дарёлиги ва бошқа фазилатларини гапириб ўтирмайди. У «Осмонга термулиб тўймаган кўзларим, заминга термулиб тўймаган кўзларим, бир сизнинг чеҳрангиз билан тўяди», — дейди. Дарҳақиқат, дунёдаги ҳеч бир нарса онанинг ўрнини боса олмайди.

Ҳеч чидаб бўлгусиз яна
бир истак,—
Қанийди шу дам йўқ
иложин топиб,
Бағрида сиз турган
қорачиғимга
Интиқ лабларимни
энтиқиб боссам...

Шоиранинг «Сулувларим қайтмоқда», «Хат», «Келинчак оромин синдиради вақт...» деб бошланувчи, «Келинойижон» шеърларида ҳам қишлоқ ҳаёти, унинг фидойи кишилари ҳақида фахр билан сўзланади. Қутлибека бу қаҳрамонларини бирдай севади, улар ҳақида меҳр, фахр ва муҳаббат билан ёзади.

Қутлибека Раҳимбоеванинг дирик қаҳрамони — замондошимиз. У ҳаётдан бир лаҳза бўлсин узоқлашмайди. Замонамизнинг шиддатли нафаси шоира шеърларида гупуриб туради. Унинг эзгу ниятлари, орзу-истаклари бениҳоя. Шоира ижодда ўзига хосликка, софликка ва теранликка интилмоқда. Шунинг учун ҳам шоира номзоди область Ленин комсомоли мукофотига тавсия этилиши бежиз эмас. Қутлибека ҳаётни, она ерни, одамларни дилдилдан эъзозлайди, улар шоиранинг туганмас илҳом манбаи. Шунинг учун ҳам у:

Ҳайратимнинг умри,
ишқимнинг умри
Ўзимнинг умримдан
бўлсин узунроқ,—

деб орзу қилади. Дарвоқе, ҳаёт гўзаллигига ҳайрат билан боқиб, унинг ишқи билан яшаб, ижод қилган санъаткорнинг асарлари дилларда мангу яшайди.

Жумагул ЖУМАБОЕВА,
филология фанлари кандидати.

ОБЛАСТЬ ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ НОМЗОДЛАРИ

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

СОФИЯДА КОНГРЕСС

СОФИЯ, 10 — август. (ТАСС). Бу ерда санъат ёрдами билан тарбиялаш масалалари билан шуғулланадиган ва Европа, Африка ҳамда Яқин Шарқ учун тузилган халқаро ташкилотнинг еттинчи регионал конгресси очилди. Конгресс ишида 25 давлатдан келган 150 га яқин таниқли педагог, олим, социолог ва рассомлар қатнашмоқдалар.

Болгария Компартияси Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, БХР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, маданият комитетининг раиси Г. Йорданов конгресс делегатларини табриклаб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: ҳозирги кунда тинчликни сақлаб қолиш ва ядро фалокатининг олдини олишдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ. Болгария Халқ Республикасининг, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг принципиал ва изчил сиёсати шу мақсадга бағишланган. Биз уруш хавфи барҳам топиб, ўз ўрнини маънавий бойликларни айрибошлашга, ўзаро алоқа ва ҳамкорликка бўшатиб бериши учун астойдил интилмоқдамиз.

Конгресс 15 августда ўз ишини тамомлайди.

ГБСП ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШЛАРИ

БЕРЛИН, 10 август. (ТАСС). Германия Бирлашган социалистик партиясининг бошланғич ташкилотларида ГБСП Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорларини муҳокама қилишга бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди. Тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш ҳамда ГДРда социализмни ҳар томонлама мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида сиёсий ва идеологик ишни янада юксак даражага кўтариш масалалари ана шу йиғилишлар қатнашчиларининг диққат марказида турди.

АДН агентлигининг бу ерда тарқатилган ахборотида таъкидлаб ўтилишича, амалий вазиятда ўтган йиғилишларда ГБСПнинг қарийб 2 миллион аъзоси қатнашган.

Йиғилишлар, дейилади ахборотда, коммунистларнинг партия сиёсатига астойдил ишонганликларини акс эттирди. Коммунистлар Совет Иттифоқи, ГДР ва бошқа социалистик давлатларнинг ядровий уруш хавфининг олдини олишга қаратилган таклифларини маъқуллаб, ғоят қўллаб-қувватлаётганликларини билдирдилар.

Йиғилишларда меҳнат коллективлари ишлаб чиқариш топшириқларини ошириб бажариш юзасидан ўз зиммасига олган мажбуриятлар ва программаларни амалга ошириш натижалари якуни чиқарилди.

ТЕЛЬ-АВИВНИНГ БОСҚИНЧИЛИК ПЛАНЛАРИ

ЛОНДОН. Бу ерда чиқадиган «Санди Таймс» газетаси хабар беради: Тель-Авив яқин икки йил мобайнида Иордан дарёсининг босиб олинган ғарб соҳилига кўчириб келтирилган исроилликлар сонини икки баравар кўпайтириш ниятидадир. Ҳозирги вақтда бу ерда 33 минг мустамлакачи яшамоқда. Ўн йиллик охирида исроил ҳукмдорларининг ниятига кўра, уларнинг сонини 100 минг кишига етказиш мўлжалланади — деб уқтириб ўтади газета.

«Санди Таймс» газетаси сиёсий кузатувчиларнинг фикрини баён қилди. Шунга кўра, Тель-Авивнинг босқинчилик иштаҳалари кучайишига кўп жиҳатдан Вашингтон маъмуриятининг тутган позицияси ёрдам бермоқда. Бир группа араб мамлакатларининг шу сўнгги бошида БМТ хавфсизлик кенгашига киритган резолюция лойиҳасини Қўшма Штатлар тақиқлаб қўйганлиги буни яна исбот қилмоқда. Ҳужжатда босиб олинган араб территорияларида Тель-Авивнинг қонунга хилоф ҳаракатларига хотима бериш ва Исроилнинг у ерда мавжуд ҳарбий-лаштирилган манзилгоҳларини тугатиш талаб қилинади.

(ТАСС, 10 август).

ИРОҚ-ЭРОН МОЖАРОСИ

БАҒДОД. 10 август.(ТАСС). ИРНА агентлигининг хабар қилишича, Эрон кўшинлари кечаги кун мобайнида фронт марказий секторининг Меҳрон районида ва Зурбатиядан шарқ томонда аскарлари ва ҳарбий техникасидан оғир талофотлар берди. Эроннинг 1100 дан кўпроқ солдати, 11 та танки, 6 та бронетранспортери, 12 та артиллерия тўпи йўқ қилинди. Ироқ қўшинлари, деди агентлик мухбири билан суҳбатда Ироқнинг ҳарбий вакили, Эрон территориясида ўз олдиларига қўйилган вазифаларни бажариб бўлганларидан кейин Меҳрон районида давлат чегарасига қайтдилар. Эрон Ироқнинг давлат чегарасини бузишга уринаверган тақдирда, деб уқтирди у, Ироқ бундан буён ҳам Эрон территориясида жанговар операцияларни ўтказаберади.

НИКОСИЯ, 10 август. (ТАСС). ИРНА информация агентлигининг хабар қилишича, 2 кунлик шиддатли жанглар давомида Эрон қўшинлари Меҳрон районида стратегик жиҳатдан муҳим бўлган 3 та тепаликни яна эгаллаб олдилар; бунда улар душманнинг мингдан зиёд солдатини йўқ қилдилар. Ироқликлардан 300 дан кўпроқ киши, шу жумладан 16 офицер асир олинди. Эронликлар шикастланмаган бир қанча танклар ва бронетранспортёрларни, 10 та юк машинасини, 35 та зенит тўпини, мингтадан кўпроқ енгил ўқ отиш қуролини қўлга туширдилар.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

БЕЛГРАД

Черногориядаги денгиз курорти Будвалда РСФСРда энг катта коллектор системаси монтаж қилина бошланди. Бу система қуёш энергиясидан фойдаланади. 2500 квадрат метр территорияга 1700 қуёш «катаги» ўрнатилади. У катта бир меҳмонхона комплексини иситиб туради. Комплекс келаси йилнинг кўкламида меҳмонларни қабул қила бошлайди.

Қуёш энергиясидан фойдаланиш — Югославия мутахассислари учун янги иш эмас. Адриатика денгизи бўйидаги бир неча меҳмонхона ва кемпинг гелиоустановкалар ёрдами билан иситилмоқда. Любляна, Сараево, Нови-сад шаҳарлари ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидаги кўпгина уй-жойларга шундай установкалар ўрнатилган.

ЖАКАРТА

Сешанба куни Индонезиянинг Тернате оролида зўрайиб бораётган ер ости гулдураши ва гамалам вулқонининг чўққиси устида ўктин-ўктин аланга пайдо бўлиб туриши вулқон отилишидан дарак берди. Вулқонга яқин қишлоқларнинг аҳолиси шошилинч уй-жойларини ташлаб кочди. Тез орада бу қишлоқларни оташ лава ютиб юборди. Антара агентлигининг хабар беришича, вулқон отилишида вулқон кули ҳам чиқмоқда. Бир неча минг киши шошилинч равишда хавфсиз жойларга кўчириб ўтказилди. Унаун оролдаги бошқа бир вулқон— Чоло отила бошлаганидан ҳали бир ой ўтар-ўтмас Гамалам ҳам «гимирлаб қолди». Шу вақт ичида Чоло оролдаги жамики мавжудотни йўқ қилиб, уни ҳаётсиз бир чўлга айлантирди.

ХЕЛЬСИНКИ

Финляндия йўлларида бахтсизлик ҳодисалари кўпайиб кетди. Полиция берган маълумотларга кўра, шу йилнинг биринчи ярмида юз берган йўл ҳодисалари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20 процентдан ҳам кўпроқ ортган. Шу давр ичида автомобиль фалокатларида нобуд бўлганлар сони 28,5 процент кўпайган. Полиция ҳаракат қоидаларини бузиш йўл транспорт ҳодисалари сони кўпайишининг асосий сабабчиси деб ҳисобламоқда.

(ТАСС, 10 август).



Жоржия штати ўрмонзорларида жойлашган «Сайоним» халқаро террорчилар тайёрлаш мактаби фаолиятининг шиори «ўйламасдан тез ва осон ўлдириш»дир. Ниқоб костюмларини кийиб олган бу ёлланганлар замонавий қурол аслаҳалар билан қуролланган. Мактабдаги каллакесар террорчилар Пентагон кўрсатмасига кўра турли жойларга ташланишлари мумкин. Суратда: ёлланган қотилларнинг машғулотларидан бирида.

ТАСС фотоси.

АГИТБРИГАДА КЕЛДИ

Туш вақти. Колхозчилар бирин-кетин дала шийпони томон чиқиб кела бошлашди. Шийпонда тўкин дастурхон ёзиғлиқ. Атроф ораста. Шарқираб оқиб турган сув эпкини киши танасига роҳат бахш этади.

...Колхозчилар тушликка ўтиришган пайтда олисдан усти ёпиқ машина кўринди. График бўйича бугун бадиий ҳаваскорлар «Партия XIX съезди» колхозининг Аҳмад Душабоев бошлиқ бригадаси дала шийпонида концерт беришлари керак эди, чамаси ҳозир ўшалар келяпти.

Музика асбобларини кўтариб олган йигит-қизлар машинадан тушиб, шийпон томон кела бошлашди. Кўп ўтмай шийпон узра куй ва қўшиқлар таралди. А. Ҳожиев, Ш. Қутлимуродов, И. Парпиев, Г. Қутлимуродова каби ҳаваскор хонанда ва раққосаларнинг чиқишлари колхозчиларга манзур бўлди.

— Биз график асосида барча колхоз ва совхозлар дала шийпонларида концерт бериб турамиз,— дейди район маданият бўлимининг бошлиғи М. Соҳибназаров.— Ҳозир районимизда 210 тадан ортиқ дала шийпони ва 20 дан ортиқ чорвачилик фермалари бор. Бу ерларда ишлаётганларнинг чарчоғини ёзиб, дилларини хушнуд этиш бизнинг вазифамиздир. Шу туфайли учта агитбригада ташкил қилдик. Агитбригадалар деярли ҳамма дала шийпонларида бўлиб концертлар бермоқда. Бундан ташқари, «Октябрь 40 йиллиги» колхозида дуторчи қизлар ансамбли, «Бўка» совхозида вокал-чолғу ансамбли, Ҳамза номли колхозда «Оққуш» ансамблари ҳам ташкил этилган. Бу тўгараклар ўз колхоз территорияларидаги дала шийпонларида концертлар бериб турадилар. Уларнинг программалари жуда ранг-баранг. Бугунгача бадиий ҳаваскорлик тўгараклари 90 дан ортиқ концерт беришди. Бу ишлар билан чекланиб қолмай, дала шийпонларда бориб, «жанговар варақа»лар чиқаришда ҳам ёрдамлашамиз.

Агитбригадада қўшимча кутубхона ҳам ташкил этилган. Кутубхонада қизиқарли бадиий ва сиёсий китобларни кўплаб топиш мумкин.

М. ЗАРИПОВ,
Бўка район.

ФАРЗАНДИНГИЗ ТАСВИРИЙ САНЪАТГА ҚИЗИҚСА...

Мактаб ўқувчиларини ҳар томонлама камол топтиришда эстетик тарбиянинг роли тобора ошиб бормоқда. Мактабларда тасвирий санъатдан синфдан ташқари ишларни намунали ташкил этиш бу соҳада маълум даражада муваффақиятларга эришишнинг гаровидир.

Шу жиҳатдан қараганда тасвирий санъатдан синфдан ташқари ишларни олиб боришни системалаштириш, мактаб ўқувчиларига методик ёрдам сифатида махсус қўлланма яратиш зарурати туғилди. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг расм ва чизмачилик ўқитиш методикаси кафедрасининг ўқитувчиси Жаббор Мажидовнинг яқинда «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган «Тасвирий санъатдан синфдан ташқари ишлар» китоби бу соҳада ўзбек тилидаги илк методик қўлланмадир. У мактаб тасвирий санъат ўқитувчилари, педагогика институтларининг студентлари ва бадиий графика билим юртларининг ўқувчилари учун мўлжалланган.

Автор қўлланмани ёзишда кўп йиллар давомида Тошкент областидаги мактабларда синфдан ташқари ишларни ташкил этишни кузатиши натижасида тўплаган тажриба ва хулосаларидан, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти бадиий-графика факультетн студентлари билан Тошкент шаҳридаги мактабларда олиб борилган машғулотларида йиққан материалларидан унумли фойдаланган. Ўқувчиларда теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисаларга эстетик муносабат таркиб топтириш, уларни гўзалликни ҳис қила билишга, тушунишга ҳамда шу ҳис ва тушунчаларни ҳаётга тадбиқ этишга ўргатиш, ўқувчиларга реалистик расм чизиш асослари ҳақида маълумот бериш ,уларни декоратив-амалий санъат хусусиятлари билан таништириш ҳақида кўрсатмалар берилган.

Шунингдек, қўлланмада графика, ҳайкалтарошлик, декоратив-амалий санъат тўгараклари ҳақида, машғулотларни ташкил қилиш, ўқувчилар билан индивидуал ишлаш масалалари ёритилган.

Китобда кўплаб совет ва чет эл рассомларининг асарларидан фотонусхалар, жадваллар берилган бўлиб, уларнинг барчаси ҳақида тарихий маълумотлар бор.

Тасвирий санъат бўйича мактабларда олимпиадалар ўтказиб туриш яхши самара беради. Ўйинларда ўқувчилар билим ва зеҳнларининг қанчалик кенг ҳамда чуқурлигини, фанлардан олган билимларининг мустаҳкамлигини билиб оладилар. Китобнинг «Олимпиада», «Викторина» каби бўлимларида рассомлар ҳақида саволлар ва уларга тайёрланган жавоблар бор.

Методик қўлланма айрим жузъий камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Унда айрим техник нуқсонлар, чалкашликлар борки, улар китобнинг сифатига таъсир этган. Рангли расмларнинг тартиб номерлари чалкашиб кетган, айрим сўзлар ва ҳарфлар тушиб қолганлиги сабабли (7, 14, 21-бет) гапларнинг мазмуни ўзгариб қолган.

Бу қўлланма республикамизда тасвирий санъатдан синфдан ташқари ишларни олиб бориш ҳақидаги илк тажриба бўлганлиги, декоратив санъат ўқитувчилари ва тўгарак раҳбарларига катта методик ёрдам бериши мумкинлиги жиҳатидан қимматлидир. Ўйлаймизки, автор қўлланманинг кейинги тўлдирилган ва мукаммаллаштирилган нашрларида мавжуд камчиликларни ҳисобга олади.

Б. ТОЖИЕВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ўқитувчиси.

ТАҚРИЗ



Пойтахтдаги Охунбобоев номли маданият уйи ҳаваскорлари драматург Максим Карим мовнинг «Интилганга толе ёр» асарини саҳнага қўйдилар. Суратда спектаклдан бир кўриниш. Жамила ролида — Э. Бобоёрова [чапда], Мамлакат ролида — М. Ҳасанова. Э. Муҳамедов фотоси.

КЎРИНМАС ПРОГУЛЧИ

ИНТЕРМЕДИЯ

АҲМАД — Ҳа, Холмат ака, нима гап? Худди тарвузи қўлтиғидан тушган кишидай шумшайиб ўтирибсиз?

ХОЛМАТ — Эй ука, аъзои сўрама, устимиздан шикоят тушибди!

АҲМАД — Мен сизга норма бажармовчилар тўғрисида чора кўриш керак дедим-а, сиз сира қулоқ солмадингиз.

ХОЛМАТ — Бўлди-да энди. Бунча эзма бўлмасанг. Ҳадеб шу гапни қайтараверасанми?! Ҳозир гап бошқа тўғрисида. Қулоқ сол, гап бундай: сен менинг ўз укамдай бўлиб қолгансан. Цехимизнинг энг илғор ишчиларидансан. Мен сенга ўзимга ишонгандай ишонаман. Шунинг учун суратингни «Ҳурмат тахтаси»га қўйганмиз. Мажлисда сўзга чиқиб қаттиқ турасан, хўпми ука? Мажлисга завод партқомининг ўзи келади.

АҲМАД — Партком келса, бўпти, боплайман.

ХОЛМАТ — Раҳмат, барака топ, ука! Энди ишчиларни чақир: кираверишсин. **(Аҳмад чиқади)** Баъзи одамларга сира тушуниб бўлмайди, эришган ютуқларингни ҳам кўриша олмайди-я. **(Одамлар билан партком Усмонов ҳам киради).** Келинг-келинг, ўртоқ Усмонов, қани бу ёққа!

УСМОНОВ — Қани, бошлайверинг.

ХОЛМАТ — Хўп. Ўртоқлар, аввало мен сизларга бир хушхабарни айтиб бермоқчиман. Биласизларми, бу жуда катта ғалаба! Кўпдан бери кўнглимизни хира қилиб келаётган бир фалокатдан халос бўлдик, ўртоқлар. Мен энди биз ҳам заводимизнинг пешқадам цехларидан бирига айландик, деб дадил айта оламан. Ишонмасанглар, завод партия ташкилотининг секретари, мана ўртоқ Усмоновдан сўранглар. Шундайми, ўртоқ Усмонов?

УСМОНОВ — Давом этинг, давом этинг.

ХОЛМАТ — Мана мисол, ўтган бир ой ичида цехимизда прогул бўлмади. План эса ортиғи билан бажарилди. **(уч киши чапак чалади. Қолганлар жим).** Лекин баъзи ичи қоралар биз эришган ютуқларни кўролмай, устимиздан парткомга шикоят ёзишибди.

1-КИШИ — Вой, ғаламислар-эй...

2-КИШИ — Бу — иғвогарлик, ҳасадгўйларнинг иши.

Ҳа, ўшаларнинг иши!

ХОЛМАТ — Тўғри, ўртоқлар, бу ҳасадгўйларнинг иши.

УСМОНОВ — Холмат ака, биздаги шикоятда цехимизда яширин прогулчилар бор, деб ёзилган. Шу тўғрими?

ХОЛМАТ — Тавба **(кулади)**, прогулчиларни ҳам яшириб бўлар эканми? Табелни текшириб кўриш мумкин.

УСМОНОВ — Тўғри табелда прогулчилар йўқ, ҳамма ишга ўз вақтида келади, ўз вақтида кетади. Шикоятда ҳам худди шундай ёзилган.

ХОЛМАТ — Бўлмаса, нима учун беҳуда «яширин прогулчилар бор», деб ёзибди. Сира тушунмайман?

УСМОНОВ — Буни тушунтириб бериш учун сўзни хатнинг авторига берамиз. Қани, Аҳмад, туринг, сўз—сизга!

ХОЛМАТ — Аҳмад? Сен ёзганмидинг?

АҲМАД — Ҳа, мен. Цехимизда ҳамма иш жойидага ўхшайди. Лекин ҳали мақтанишга ҳаққимиз йўқ. Чунки ҳалигина чапак чалган икки киши нормани бажармай келяпти. Хўш, норма бажармаган кишиларнинг прогулчилардан нима фарқи бор? Мен бундай одамларни яширин прогулчилар дейман. **(Ҳамма «тўғри-тўғри» деб чапак чалади).**

ХОЛМАТ — **(киноя қилади).** Раҳмат, Аҳмадвой ука, роса бопладинг!..

Босит ХАЛИЛ.

Реклама ва эълонлар

СОҒЛОМ БЎЛАЙ ДЕСАНГ—ЧЕКМА!

Чекувчи одамларга нисбатан кўпинча «кўнгилли ўз жонига қасд қилувчилар» деган гапни ишлатишади. Кашандалик балоси ҳозирги кунда бутун ер юзини қамраб олди. Каттаю кичиктан тортиб, аёллару болаларгача чекмоқда. Ер курраси узра шундоқ ҳам умри қисқа инсоннинг ҳаётига қасд қилувчи тамаки тутуни қўкка кўтарилмоқда.

ТАМАКИ ҚАЕРДАН ПАЙДО БЎЛГАН?

1492 йилнинг 12 октябрида Христофор Колумб янги дунё оролларидан бирига келиб тушиши биланоқ, у ерлик қизилтанли аҳолининг оғзи-бурни аралаш қуюқ тутун буралиб чиқишини қизиқсиниб кузатган эди. Қизилтанлилар қуруқ барглари ўраб, узун трубка қилишар, кейин бир учини оғизларига солиб, иккинчи учини ўт олдирар эдилар. Бундай ўрамани ҳиндулар табақа деб атардилар. Европаликлар уларнинг бу ғалати одатига ҳайрат билан боқишарди.

100 йил ўтар-ўтмас «шайтон тутуни» бутун жаҳон аҳолиси орасида тез тарқала борди. XVI асрда инглизлар тамакини Россияга олиб киришди. XVII асрнинг бошларида голландлар Хитой ва Японияга тарқатдилар. Тамаки балоси ақл бовар қилмас даражада янги-янги мамлакатлар ва қитъаларни қамраб ола бошлади. Лекин, инсоният аҳли ўша пайтларданоқ, ақлини йўқотмай кашандаликка қарши курашиб келмоқда.

Россияда подшо Михаил Фёдорович чекиш оқибатида тез-тез бўлиб турадиган ёнғинлар сабабли тамаки чекишни ва сотишни тақиқлаб қўяди. Кейинчалик эса, бора-бора бу машғулот ўта гуноҳ санала бошлади. Чекувчи одамлар қаттиқ азоб-қийноқларга солинди, уларнинг бурун катаклари темир қисқич блан юлиб олинар, Сибирга сургун қилинар эди.

1638 йили Туркия Эронга қарши юриш бошлаган кезларда, тамаки чекувчи солдатлар дорга осилар ёки бошлари танасидан жудо қилинар эди.

1692 йили Сантяго шаҳрида бешта монах тамаки чекканлги учун тириклайин девор орасига тиқилиб, устидан суваб юборилган. Ҳарқалай, чекишга қарши курашган эдилар!

ТАМАКИ — БИЗГА ДУШМАН

Француз олими Марис Тубиан тамакини «рак ва автомобиль ҳалокати»ни ҳам ортда қолдирувчи «жамиятимиздаги ўлим факторларининг энг биринчи сабаблари» деб атаган эди. Катта Совет Энциклопедиясида: «...чекувчи одам организми никотинни кучли таъсири остида юрак фаолиятининг ишдан чиқиши, нафас олиш йўлларида қон томирлари мушакларининг тириша қолиши, бронхлар шиллиқ пардасининг яллиғланиши..., шунингдек бронхиал астма касаллигига йўлиқишлари мумкин», деб ёзилган.



Тамаки чекиш оқибатида миокард инфаркти хуружи кашандаларда уч баравар кўп учраса, ўпка раки икки баробар кўпроқ содир бўлар экан. Чекиш наслга ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Чекувчи ота-оналарнинг болалари турли касалликларга берилувчан ва нозик бўлиб қоладилар.

Ҳар томонлама олиб борилган тадқиқотлар натижасида маълум бўлишича, тамаки тутунида — радиоактив моддалар миқдори борлиги аниқланди: Олимларнинг таъкидлаши ва илмий асосларича — кунига икки пачка папирос чекувчи кашанда 36 дан 100 радиациягача нурланар экан. Нурланишдан сақланиш бўйича халқаро келишувга биноан нурланиш дозаси 5 радиациядан ошмаслиги шарт. Ушбу радиактив моддаларнинг атомини ҳеч қандай фильтр билан тутиб қолиб бўлмайди ва у чекувчи одам организмида бемалол тўплана боради.

СИГАРЕТА ТУТУНИ

Чекишни бошлаш билан ўзини балоғатга етган ва мустақил санаган ёшлар бу нарсанинг алдамчи белги эканлигини билиб-қўйсалар ёмон бўлмасди. Мана шу хато тушунча туфайли ҳам минг-минглаб ёшлар ушбу зарарли одатга тез берилмоқда. Шуни эслатиб қўйиш лозимки — тамаки чекишни ўспиринлик вақтларидан бошлаш — бу саломатликнинг энг ашаддий душманидир. Биз катталар — ушбу заҳарни, биз каби тутатмоқчи бўлган, ўзимизга тақлид қилиб кўр-кўрона эргашган фарзандларимиз олдида жавобгармиз.

— Нима ҳам қила олардик. Негаки мен, бу зарарли қусурдан сира ҳам қутулолмаяпман,—дейишингиз мумкин, — умуман, чекишни бутунлай ташлаб бўлармикин?

— Ҳа, албатта! Лекин, ўзингиз чин дилдан ушбу зарали одатни тарк этишни истамас экансиз, ҳар қандай дори-дармону, турли муолажаларнинг бари фойдасиз... Чекишни истамаган одам ташлаши мумкин, лекин бунинг учун энг аввало истак, ирода бўлиши лозим.

Ҳар сафар чеккингиз келса ҳам, чекманг. Кундалик нормангизни ундан бирга... ярмига камайтиринг. Болалар, аёллар, чекмайдиган одамлар ва жамоат жойларида мумкин қадар чекмасликка ҳаракат қилинг. Ҳар сафар папиросни охиригача чекмасликни одат қилинг.

СОҒЛОМ БЎЛАЙ ДЕСАНГ — ЧЕКМА

Буюк физиолог академик И. П. Павловдан, қандай қилиб шу табаррук ёшда ҳам тетиклик ва бардам бақувватликни, тиниқ хотира, актив ишчанлик қобилиятини сақлаб қолгансиз, деб сўрашганда, шундай жавоб қилган экан:

— «Вино ичманг, юрагингизни тамаки билан сиқманг — Тициан қанча яшаган бўлса, шунча яшайсиз». Маълумингиз бўлсинки, буюк итальян рассоми салкам 100 йил умр кўрган. Агар сиз ҳам узоқ умр кўришни истасангиз — чекишни ташланг!

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ТЕЛЕФОН 42-98-52.

ЭКРАНДА ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

ОБЛАСТИМИЗДА СУРАТГА ОЛИНГАН

Кишиларни ғоявий-сиёсий тарбиялашда, уларнинг воқеликка бўлган муносабатини активлаштиришда область кинолаштириш бошқармаси томонидан намойиш этилаётган тематик фильмлар самараси катта бўлмоқда.

Яқинда қатор районларнинг кинотеатрларида «Ёруғ юз билан», «Ғалла сари йўл», «Қишлоқ хўжалик новаторлари», «Техникани сақлашни ташкил қилиш», «Сут етиштиришнинг илғор технологияси» каби ўндан зиёд тематик фильмлар намойиш этилди.

Коммунистик, Ғалаба районлари қишлоқ хўжалик ходимларининг йиғилиши иштирокчилари ана шу фильмларни томоша қилгач, уларнинг мавзуси меҳнат унумдорлигини, тежамкорликни ошириш, дала меҳнатқашини янада улуғлаш, чорвачилик соҳасидаги илғор усулларни ишлаб чиқаришга жадал жорий этишга хизмат қилади, деб таъкидладилар.

«Ўзбекфильм»нинг бу маҳсулотларидан кўпи пойтахт областимизда суратга олинганлиги диққатга сазовордир. Областда маккажўхоридан юқори ҳосил ва кўкпоя олиш, чорвачилик комплексларини бунёд этиш билан боғлиқ тематик фильмлар ҳам тайёрланган. Бу ҳужжатли фильмлар, яқин кунларда областнинг деярли барча районларида намойиш қилинади.

С. ҲАСАНОВ.

ТАФСИЛОТИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ

ИЗЛАР БОСИЛМАДИ

Хавфли жиноятчиларни қўлга олишда мардлик, жасорат ва тадбиркорлик кўрсатганлиги учун Оҳангарон район ички ишлар бўлими идорадан ташқари соқчилик бўлимининг ходимлари, милиция сержанти Валижон Раҳмонов ва милиция кичик сержанти Абдуҳамид Мамбетов ўртоқларга область ички ишлар бошқармаси шахсий составн номидан раҳматнома эълон қилинди.

...Йўл қурилиш участкаси қоровули Ўрозали Алиевга тўсатдан ҳужум уюштирилганлиги тўғрисидаги хабар ярим кечада ҳаммани оёққа турғазди. Нотаниш кимсалар болта, пичоқ билан таҳдид қилиб, жароҳат етказишибди. Бироқ шовқин-суронни эшитиб ёрдамга шошилган Ҳамдам Маматовни кўриб, қоровулнинг милтиғини олиб кўздан ғойиб бўлишибди.

Рация орқали хабар тарқалган пайтда милиция сержанти Валижон Раҳмонов тунги маршрутларни текшириб юрган эди. «Дружба», «Марказий» кўчаларидан иборат бўлган участка Мамбетов билан Раҳмоновга тегишли. Бир неча марта турли операцияларда иштирок этиб, кўзи пишган сержант вазиятни чамалаб чиқди. Йўл қурилиши идорасига учта кўча олиб боради. Тўғридагисидан юришса бир зумда етиб боришади. Бироқ бу орада жиноятчилар бошқа йўл билан чап бериб ўтиб кетиши мумкин.

Валижон Мамбетовга «ўтир» дея ишора қилиб, мотоциклини ўт олдирди. Йўл-йўлакай ўзларида хизмат қиладиган Анорбой Холжигитовни учратиб, унга «Почтовая» кўчасини текшириб чиқишни топширди. Бироздан сўнг мотоциклдан тушган Абдуҳамид «Больничная» кўчаси бўйлаб кетди.

Ярим соат ўтмай воқеа содир бўлган жойда учрашдилар. Қидирувнинг дастлабки натижалари ҳақида бир-бирларига ахборот беришди. Бир юзи қонга беланган қоровул билан қисқагина суҳбатда жиноятчиларнинг ташқи кўринишларини билиб олишди. Ҳамманинг фикри-ёди бир нарса билан банд эди.

— Уларга яширинишга имкон бермасдан, излар босилмасдан қўлга олиш керак!

Яна қидирув бошланди. Мотоцикл фараси ёғдусида асфальт йўл ялтираб, кўзни қамаштиради. Бироқ шаҳар чегарасига яқинлашиб қолган йигитларнинг ўткир нигоҳи ғира-ширада шундоққина оқиб ўтаётган анҳор ёқалаб кетаётганларнинг шарпасини дарҳол илғаб олди. Улар яқинлашаётганлардан шубҳаланиб ортларига қараб қўйишди-да, кўприк устига етганда нотаниш кишилардек бир-бирларидан узоқлашишди. Бири тўғрига юрди, иккинчиси эса ўнг қўлга бурилиб, қайта шаҳар томонга кетди.

— Ҳамид, тайёр бўл!

Мотоциклнинг «тар-тари» ва ҳаяжон ичида шериги Валижоннинг гапини эшитмади ҳам. Бироқ, фикрини тушунди. Қуролини шай қилиб, қоматини тиклади.

Рулдагилар тезликни ошириб, гўёки ўтиб кетаётган бўлишди-да, кескин тормоз беришди. Абдуҳамид сакраб тушиб «йўловчи»нинг ёнига келди.

— Ҳужжатларингиз?

«Йўловчи»нинг башараси буришиб кетди. Бироқ, дарҳол қувликка кўчди. Ўзини соқовликка олиб имо-ишора билан узоқларни кўрсатди. Кейин атрофга олазарак қарадида, бир сакраб қора чарм куртқасининг бари билан аввал Абдуҳамидни, сўнгра Валижоннинг юзига урди. Валижоннинг кўзида олов чақнаб кетди. Хаёлидан «милтиқ» деган фикр ялт этиб ўтди. Қоровулдан тортиб олинган қурол қисмларга ажратилиб куртка ичидан маҳкам қилиб жойлаб қўйилган, жиноятчи дастлабки тўқнашувдаёқ ундан «фойдаланган» эди.

Оғриққа эътибор берадиган пайт эмас. Юз-кўзларини ишқалаб олдинга ташланишди. Бироқ не кўз билан кўришсинки, қисқа муддатда милтиқни йиғиб улгурган рақиб 5—7 метрлар чамаси нарида уларга ўқталиб турарди. Энди «соқов» роли унга тўғри келмаслигини тушунган бўлса керак, важохати бузуқ эди.

— Яқинлашманглар!

— От, отиб ташла **уларни,** — дея ҳайқирди нариқда турган шериги унга.

— Отолмайди..., — шипшиди Валижон. Армияда аъло хизмат қилиб, кўзи пишгани учун бир неча сония ичида милтиқни ҳам йиғиб, ҳам ўқлаб улгуриш мумкинлигига дил-дилидан шубҳаланиб турарди. Тахминини тўғри чиқди.

Абдуҳамид осмонга қаратиб огоҳлантириб ўқ узди. Тун қўйнини «визилаганча» ёриб кетган ўқ овози узоқ-узоқлардан эшитилди. Жиноятчининг милтиқ тутган қўли қалтиради, кейин орқасига ўгирилиб қочишга тутинди.

Валижон ўзини бир четга олиб ҳамон «кўрсатма» бераётган иккинчи жиноятчига ташланди. Йўл-йўлакай иккинчи марта ўқ овози янграб, орқасига ўгирилди. Қочаётган йигитнинг бир неча қадам оқсоқланиб йиқилганлиги, Абдуҳамиднинг тезда етиб бориб унинг устига эгилганлигини кўрди...

«Берёзка» магазини рўпарасидаги 22-уй олдида бирданига изни йўқотди. Тўпончасини қайта ўқлаб, муюлишда икки томонга кетган йўлакнинг қайси биридан чопишини билмай, бир зум тараддудланди. Бироқ тўсатдан сесканиб ўзини орқага отди. Яшин тезлигида чап берганлигигина йигитнинг ҳаётини сақлаб қолди. Яна уч қадамча орқага тисарилишга тўғри келди. Мўлжали хато кетган рақиби ўзини ўнглаб, пичоқ тутган қўлини яна баланд кўтариб, ҳамлага ҳозирланди. Энди уларни ёмғирдан ҳосил бўлган кичиккина кўлмак ажратиб турарди, холос. Ўйлашга ҳам вақт кам — Валижон тепкини босди...

Яраланган жиноятчи вахшийлашган эди. Ётган жойида ҳам пичоқни кафтида маҳкам тутганча соғ оёғи билан айланиб милиционерга улоқтиришга тутинди. Бироқ Валижон кескин ҳаракат билан қўлидан қуролини уриб туширди.

... Излар босилмади. Жиноятчилардан болта, пичоқдан ташқари тўппонча ва қулф бузишга мўлжалланган арра, бошқа асбоб-ускуналар ҳам топилди. Илгари ҳам судланган Владимир Пигалёв ва Николай Поповлар идора билан туташ кассани ўғирлаш ниятида ҳовлига тушганликларини тан олдилар.

— ВЛКСМ аъзоси Валижон Раҳмонов ва Абдуҳамид Мамбетовлар ички ишлар органларига ҳарбий хизматдан сўнг, 1977 йили олдинма-кейин келишган, — дейди район ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари С. Мирзабоев, — бурчларига садоқатли, хизмат вазифаларини ҳамиша виждонан бажаришади, йигитларимиз шунақа, эпчил, ҳушёр.

А. БОБОБЕКОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Редактор ўринбосари
С. Ғ. МУСАЕВ.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

● ОЛИЙ ЛИГА. Мамлакат футбол чемпионатининг навбатдаги тур ўйинларига якун ясалди. «Пахтакор» ўз майдонида Ленинграднинг «Зенит» командасини қабул қилиб, 0:3 ҳисобида имконият бой берди. Пахтакорчилар дарвозасига тўпларни Дмитриев (2 та) ва Захариковлар киритдилар.

Турнир пешқадами Днепропетровскнинг «Днепр» командаси «Металлист»ни 2:1 ҳисобида енгиб, ўз мавқеини янада мустаҳкамлаб олди.

Шу турдан сўнг командаларнинг турнир жадвалидаги ўринлари қуйидагича:

Командалар

Командалар	Ю	Д	Т	М	О
Днепр	14	5	5	43—25	33
Динамо (Мн)	13	6	5	37—23	32
«Черноморец»	12	4	8	31—27	28
Пахтакор	10	8	6	28—20	28
Спартак	10	7	5	37—17	27
Зенит	10	7	7	27—22	27
Жальгирис	9	9	6	22—24	27
Шахтёр	12	2	9	37—27	26
Динамо (К)	9	7	7	24—26	25
Торпедо (М)	8	8	7	22—24	24
ЦСКА	8	8	7	29—23	24
Арарат	9	3	12	24—35	21
Металлист	8	5	10	29—33	21
Нефтчи	7	7	10	23—27	21
Динамо (Тб)	7	4	12	32—34	18
Динамо (М)	5	8	10	18—25	18
Торпедо (Кт)	3	9	12	19—35	15
Нистру	3	3	18	15—49	9

● ИККИНЧИ ЛИГА. Ўзбекистон зонаси командалари ҳам навбатдаги тур ўйинларини ўтказдилар. Уларнинг натижалари билан танишинг: «Соҳибкор» — «Бешкент» — 2:3, «Янгиер» — «Хисор» — 3:1, «Хўжанд» — «Хива» — 2:0, «Ёшлик» — «Хоразм» — 2:1, «Нефтяник» — «Шаҳрихончи» — 3:1, «Олой» — «Навбаҳор» —2:0, «Пахтакор» — ЦОР —4:0, «Автомобилист» — «Старт» — 2:1, «Динамо» — «Амударё» — 2:0, «Наримоновчи» — «Олға» — 3:2.

Турнир жадвалини Фарғонанинг «Нефтянник» командаси (45 очко) бошқариб бормоқда. Фрунзенинг «Олға» командаси 40 очко тўплаб иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Учинчи ўринда бораётган Самарқандниинг «Динамо» коллективи ҳисобида 38 та очко бор.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000. Тошкент—П,
ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 02076. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б—1661. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12